

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
ИНГЛИЗ ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 80.821.008.894.322 ўзб.(575.1)

Акбарова Маъсума Исмонали қизи

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

5A120102 – Лингвистика (Инглиз тили)

Магистр академик даражасини олиш учун тақдим этилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: ф.ф.н.

Жураева И.А.

Тошкент-2015

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА
ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕКА**

**ФАКУЛЬТЕТ ЗАРУБЕЖНОЙ ФИЛОЛОГИИ
КАФЕДРА АНГЛИЙСКОЙ ФИЛОЛОГИИ**

На правах рукописи

УДК 80.821.008.894.322 узб.(575.1)

Акбарова Масума Исмонали кизи

**ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИМЕН
СОБСТВЕННЫХ НА УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ**

5A120102 – Лингвистика (Английский язык)

**Для получения академической степени магистра
ДИССЕРТАЦИЯ**

Научный руководитель: ф.ф.н.

И.А.Жураева

Ташкент - 2015

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY EDUCATION OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN NAMED
AFTER MURZO ULUGBEK**

All rights reserved

UDK 80.821.008.894.322 uzb.575.1

Akbarova Masuma Ismonali kizi

**LINGUACULTURAL PECULIARITIES OF PROPER NOUNS
IN UZBEK AND ENGLISH**

5A120102 – Linguistics (English language)

For being awarded with the academic Master's degree

DISSERTATION

Scientific advisor: Ph. D.

I. A. Jurayeva

Tashkent – 2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ТИЛ ВА МАДАНИЯТ	
1.1 Тил ва маданият уйғунлиги	9
1.2 Лингвомаданиятнинг назарий асослари.....	16
1.3 Маданиятнинг тилда акс этиши	21
1 боб бўйича хулосалар	24
II БОБ. АТОҚЛИ ОТЛАР – ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР ОБЪЕКТИ	
2.1 Атоқли отларнинг умумфилологик моҳияти	26
2.2 Ономастика – атоқли отларни ўрганувчи тилшунослик соҳаси	34
2.3 Атоқли отларни таснифлаш муаммоси	38
2 боб бўйича хулоса	42
III БОБ. АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ЛИНГВОМАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ	
3.1 Атоқли отлар лингвомаданиятнинг асосий бирлиги	45
3.2 Атоқли отлар – лингвомаданий ахборот ташувчи тил белгиси	50
3.3 Атоқли отлар таржимасининг лингвомаданий хусусиятлари	56
3 боб бўйича хулоса	62
ХУЛОСА	65
SUMMARY	69
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	72
ИЛОВАЛАР	76

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, халқимиз учун маданий, адабий ва диний қадриятларни тиклаш, асрий анъаналарга қайта ҳаёт бағишлаш имконияти яратилди. Президентимиз И.А.Каримовнинг: “Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди”¹ – деган сўзлари фикримизнинг далилидир. Дарҳақиқат, халқ тили ва маънавиятининг нодир мероси бўлган атоқли отлар чуқур илмий сиёсий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқот мазусининг долзарблиги. Лингвомаданият замонавий тилшуносликнинг энг янги ва кам тадқиқ қилинган бўлимларидан биридир. Унда тил ва маданият мутаносиблиги намоён бўлади. Ушбу магистрлик диссертацияси инглиз ва ўзбек лингвомаданиятидаги атоқли отларнинг таҳлили, уларнинг тарихи, тузилиши ва аҳамиятига бағишланади. Илмий тадқиқот ишида атоқли отларнинг, хусусан, инсон исмлари, жой номлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар номларининг икки тил маданиятидаги хусусиятлари ўрганилади.

XXI аср бошларидаги ўзаро маданий алоқаларни, халқлар ўртасидаги маънавий интеграциялашув деб қараш мумкин. Ушбу жараёнга ўзаро алоқанинг янги тури сифатида тўлақонли мантикий ёндашиш, бошқа халқларнинг маданиятига бўлган муносабатни акс эттиради. Шунинг учун XXI аср лингвомаданиятида намоён бўлувчи янги илмий антропоцентрик парадигма вужудга келди ва у замонавий тилшуносликнинг энг асосий йўналишларидан бирига айланишига сабаб бўлди. Шу маънода, тадқиқот мавзуининг долзарблиги:

биринчидан, халқ хотираси, маданияти ва маънавиятининг таркибий қисми бўлган номшунослик (ономастика) соҳасининг илмий номшунослик

¹Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т. Ўзбекистон, 1992. –Б 71.

сифатида ривожлана бошлаганига кўп вақт бўлмади. Ўтган давр ичида жой номларини, инсон исмлари ва уларнинг этимологиясини ўрганиш бўйича анчагина ишлар амалга оширилди. Аммо, инглиз ва ўзбек тилшунослигида атоқли отлар лингвомаданий жиҳатдан кам ўрганилган. Зеро, ономастика соҳасини ўрганишда унга таъсир қилувчи экстралингвистик факторлар жумладан, халқ маданияти муҳим аҳамиятга эга;

иккинчидан, атоқли отларнинг ўзига хос хусусиятлари географларнинг, этнографларнинг, тарихшунос ва тилшунос олимларнинг диққат-эътиборини айниқса, номшунослик соҳасида жалб қилиб улгурган. Улар ўзининг семантик доирасида маданий-тарихий, миллий-этник, географик маъно-мазмун тарқатувчи ахборот воситаси ҳисобланади. Атоқли отлар одамларни, ҳайвонларни, географик жойларни, шунингдек, моддий ва маънавий маданиятнинг турли хил кўринишларини номлаш учун хизмат қилади. Бу эса, тил ва маданият ўртасидаги алоқаларни яратишда, илмий-техникавий ва бадиий адабиётлар таржимасида ҳамда алоқа жараёнида уларнинг этимологик ва семантик таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади;

учинчидан, атоқли отларни лексик-семантик таҳлил қилиш икки тилни маданият билан ўзаро алоқасини аниқ ва равшанлаштиради. Ушбу таҳлил икки тил лингвомаданиятида атоқли отларнинг ўрнини белгилаш имкониятини яратади;

тўртинчидан, икки тил лингвомаданиятида ва лексик-семантикасида атоқли отларнинг этимологик таҳлили тилнинг бевосита тарих, тарихий маданият ва тарихий маънавият билан ўзаро боғлиқлик даражасидан далолат беради. Бу эса, атоқли отларнинг тилшуносликнинг ҳар бир соҳасида кенг қўлланилишини тақозо этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Ушбу диссертация ишининг назарий қисми бўйича қуйидаги олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар:

- Ономастика бўйича: Э.А.Бегматов, Б.Бафоев, А.А.Белецкий, А.В.Суперанская, В.Д.Бондалетов, Л.А.Введенской, Р.С.Гиляровский,

М.В.Горбаневский, О.А.Леонович, В.Н.Михайлов, В.А.Никонова, А.А.Реформатский, Л.М.Щетинин, A.N.Gardiner;

- Топонимика бўйича: З.Дўсимов, Х.Ҳасанов, Б.Ўринбоев, А.Муҳаммаджонов, В.А.Никонова, С.Қ.Қораев, Т.Нафасов, Н.Охунов, С.Наимов, Э.Хўжамбердиев, Ж.Латилов, М.Рамазонова, Х.Холмўминов, Ш.Қодирова, Н.Мингбоев, А.Зокиров, А.Отажонова, А.Туропов;
- Антропонимика бўйича: Э.Абдиева, Т.Эназаров, А.Гафурова, Д.И.Ермалович, А.И.Исаева, Г.М.Муратов, И.В.Бестужева-Лада, В.И.Болотов;
- Лингвомаданият бўйича: Н.Д. Арутюнова, А.Вежбицкая, В.В. Воробьев, И.Р. Гальперин, В. Гумбольдт, Е.С.Кубрякова, В.И.Карасик, В.В.Красних, В.А.Маслова, С.Г.Тер-Минасов, В.И.Тхорик, А.Т.Хроленко, Michael Agar, M.A. Halliday, G.N. Leech, A. Wierzbicka;

XX аср охири ва XXI аср бошларида ўзбек, инглиз ва бошқа тилларда ономастик тадқиқотларни қуйидаги олимлар олиб борган: А.А.Абдуазизов, В.В.Дьяченко, Г.Р. Галиуллина, С.И. Гарагули, М.Джусупова, С.К. Кенжаева, Т.А. Комов, В.А. Копитко, О.А. Леонович, Д.Д.Мирзаев, К.С.Мочалкин, Р.С. Нуритдин, А.А.Пашкевич, Р.С.Рахимова, Т.Ф. Ухинов, Г.С. Хазин.

Атоқли отлар тилшуносликнинг турли хил соҳалари бўйича қуйидаги олимларнинг тадқиқот ишларида ўрганилган: А.А.Уфимцева, М.И.Расулова, Ш.Искандарова, А.К. Абдурахмонова, В.И.Болотов.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва инглиз атоқли отларига маданиятнинг таъсири ва унинг аҳамиятини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси ва муносабатини тадқиқ қилиш;
- Тил ва маданият уйғунлиги масаласига доир илмий назариялар аҳамиятини аниқлаш;
- Тил ва маданият мутаносиблигини ўрганувчи тилшунослик соҳаси – лингвомаданиятнинг назарий асосларини таҳлил қилиш;

- Атоқли отларнинг тилшуносликда тил белгиси сифатида тадқиқ қилиниш тенденцияларини ўрганиш;
- Ономастика соҳасида атоқли отларнинг ўрганилиш тамойилларини таҳлил қилиш;
- Атоқли отларнинг таснифлаш муаммосини изоҳлаш;
- Лингвомаданиятда атоқли отларнинг ўрнини аниқлаш;
- Ўзбек ва инглиз лингвомаданиятида мавжуд баъзи атоқли отларни лингвомаданий жиҳатдан таҳлил қилиш;
- Атоқли отлар таржимасининг лингвомаданий хусусиятларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти. Илмий тадқиқот ишининг объекти ўзбек ва инглиз тилида мавжуд атоқли отлардир.

Тадқиқотнинг предмети. Атоқли отларнинг лингвомаданий хусусиятлари илмий тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг методлари — лексик-семантик таҳлил, лингвомаданий таҳлил методи, тасвирлаш ва таснифлаш методлари, тарихийлик ва мантиқийлик тамойили кабилардир.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. Атоқли отлар ҳар қандай тилнинг, жумладан, инглиз ва ўзбек тилларининг лексикасида муҳим аҳамият касб этади. ХХІ асрга келиб, лингвист олимларнинг атоқли отларга қизиқиши ошиб борди. Лекин, бугунги кунга қадар атоқли отлар икки тил яъни ўзбек ва инглиз тиллари ҳамда уларнинг лингвомаданий заминида қиёсий таҳлил қилинмаган. Зеро, бу икки тил лингвомаданиятида ва икки тилнинг ўзаро алоқаларида атоқли отларнинг ўрнидан далолат беради.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти. Атоқли отларнинг лингвомаданий тадқиқи йўллари, яъни шундай тадқиқ қилишнинг меъёрлари ушбу тадқиқотда кўриб чиқилган ва атоқли отларнинг ўзига хос лингвистик ҳамда экстралингвистик хусусиятлари бу соҳада олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларининг назарий асоси бўлиб хизмат қилади. Бу тадқиқотнинг

таҳлилларидан чиқадиган илмий хулосалар ўзбек лингвомаданияти ва социолингвистикасининг назарий асослари ва таҳлил усуллари янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот натижалари олий ўқув юртларида ўзбек ва инглиз тили лексикологияси, когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, халқаро маданий алоқа, умумий тилшунослик, матн таҳлили, таржима амалиёти айниқса, бадиий матнларни таржима қилишда ҳамда социолингвистика назарияси бўйича маъруза ва семинар машғулотларини ишлаб чиқишда, амалий машғулотларда манба сифатида, ўқув – услубий қўлланмаларни тузишда фойдаланилиши мумкинлиги унинг амалий аҳамиятининг ифодасидир..

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг асосий назарий-методологик хулосаларидан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, хорижий филология факультети, “Қиёсий тилшунослик ва таржима назарияси” кафедраси инглиз тили филологияси йўналиши бакалавриат босқичи ўқув режасидаги “Умумий ва қиёсий тилшунослик”, “Лингвомаданиятшунослик”, “Когнитив тилшунослик”, “Стилистика амалиёти”, “Таржима амалиёти” фанларини ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларини нашр қилинганлик даражаси. Тадқиқот ишининг долзарб масалари юзасидан қуйидаги илмий мақолалар тайёрланиб, нашр қилинган:

1. “Атоқли отлар лингвомаданият бирлиги сифатида” – “Замонавий тилшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари” илмий мақолалар тўплами;
2. “Ўзбек ва инглиз тилларида атоқли отларнинг лингвомаданий хусусиятлари ва таржима муаммолари” - “Таржимашунослик: долзарб масалалар ва истикболлар” Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами;

3. “Ўзбек ва инглиз лингвомаданиятида атоқли отлар ва уларнинг таржима муаммолари” – “Буюк ипак йўлида тил ва маданият” Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами;
4. “Ўзбек ва инглиз лингвомаданиятида атоқли отлар” – “Таълим тизимида информатика ва ахборот технологиялари мутахассисларини инновацион фаолиятга тайёрлашдаги муаммо ва ечимлар” вазирлик тизимидаги олийтаъли ва илмий-тадқиқот муассасалари миқёсида илмий амалий анжуман материаллари тўплами

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация Кириш, учта боб, Хулоса, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва Иловалардан иборат.

I БОБ. ТИЛ ВА МАДАНИЯТ

1.1. Тил ва маданият уйғунлиги

“Тил” атамасининг мазмуни ва аслига мурожаат қилинганда, “тил”, “нутқ” ва “нутқ фаолияти” тушунчаларини илк бор фарқлаб берган, XIX-XX асрнинг таниқли тилшуноси Ф. Де Соссюрни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Нутқ фаолияти – муайян халқнинг кескин имкониятлари тизимидир. У ғоят кўп образли бўлиб, физика, физиология ва психоллингвистика соҳалари билан бир қаторда кесишади. Нутқий жараёнлар мажмуасида Ф. Де Соссюр 2 аспект – тил ва нутқни алоҳида таъкидлаб ўтади. Тил бу грамматик система ва луғатдир, яъни уларсиз нутқий мулоқотни амалга ошириб бўлмайдиган тил воситаларининг мажмуидир. Тил лексик ва грамматик система сифатида бирон бир лисоний умумийликка мансуб бўлган индивид онгида мавжуд бўлади. Тил – бу ижтимоий маҳсул, инсонларнинг бир-бирини ўзаро тушуниш воситаси, у индивидга боғлиқ эмас.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб, тилга лингвистик категория сифатида қуйидагича таъриф бериш мумкин: “Тил – ўзаро таъсир остида ва мулоқотларда шаклланувчи ҳамда ҳар қандай янги мазмунни лаёқатли ифодаловчи универсал белгилар системасидир”.

XX аср бошларидан буён кўплаб илмий назариялар, тил ва маданият ажралмас бирлик деган ғояга асослана бошлади. Маданият тилшунослик билан шунчаки ёнма-ён соҳа сифатида эмас балки “инсон сири, тил ва матн сирини чуқур таҳлилларсиз тушуниб бўлмайди”¹ деган феномен сифатида тадқиқ қилинади.

Тил ва маданият мутаносиблиги ва уларнинг ўзаро муносабати масаласи тилшунослик тарихида янги эмас. Маданиятнинг бир томонлама тилга таъсири ёки тилнинг маданиятга таъсири ғоялари тил ва маданиятнинг ўзаро

¹Лингвокультурология: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: “Академия”, 2001. Б.59.

боғлиқлиги ва алоқаси, уларнинг онтологик бирлик эканлигини тасдиқлашга ёрдам беради.

“Тил ва маданият” муаммосининг тадқиқ қилинишида И.Г. Ольшанский муаммони ўрганиш учун уч хил ёндашувни таклиф этган. Улардан биринчиси, файласуфлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, (С. А. Атановский, Г. А. Брутян, Э. С. Маркарян), тил ва маданиятнинг бир томонлама уйғунлигини инобатга олиб тузилган. Воқеъликдаги ўзгариш туфайли тил ҳам ундаги маданий ва миллий стереотиплар ҳам ўзгариб боради. Мухтасар қилиб айтганда, давр ўтган сайин маданий–миллий андозалар ва тилнинг ўзи ҳам ўзгаради. Иккинчиси ёндашув эса тилнинг маданиятга кўрсатадиган таъсирини ўзида тақозо қилади (В. Гумбольдт, А. А. Потебня, Й. Л. Вайсгербер). Учинчи ёндашув эса тилнинг ва маданиятнинг бир бирига ўзаро таъсири оқибатида келиб чиққан бўлиб, бир томондан тил маданиятнинг асосий таркибий қисми, маданият ҳам тилнинг таркибига кирган асосий бирлик ҳисобланади.¹

Бунда олимлар қуйидаги саволларга жавоб топишга интилади: тил маданиятга киритилганми, агар киритилган бўлса қандай? Маданият тилга киритилганми, агар киритилган бўлса қандай?

Е. Ф. Тарасов бу фикрлардан келиб чиқиб, тил ва маданиятнинг онтологик уйғунликка эга эканлигини аниқлади. Бу уйғунликни эса инсон фаоллигида кўриш мумкин, онтологик манзарада айнан тил ва маданиятнинг уйғунлик бўғимини тадқиқ қилиш мумкин. Инсон фаолиятининг бирон бўлаги натижасида тил ва маданият ўртасидаги уйғунликни аниқлаш мумкин. Айнан шу фаоллик бўлагига тил ва маданият таъсири уйғунлашган бўлса, тадқиқот учун ҳам имконият яратилади². Амалдаги онтологияга кўра бенуқсонлик фақат муайян фаолиятни амалга оширувчи инсонда кузатилиши мумкин ва фақат фаолият натижаси шакли сифатида юзага келади, яъни

¹ Ольшанский И.Г. Лексика, фразеология, текст: лингвокультурологические компонентк [Текст]//Язык и культура: сб. обзоров. М., 1999. –Б 18-19.

² Тарасов Е.Ф. Язык как средство трансляции культуры. М., 1994. –Б 106-107.

фаолият объекти унга таъсир кўрсатиш жараёнидаги шакл билан ифодаланади.

Тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси моҳиятини англаб етиш учун, «маданият» тушунчасини аниқлаштириб олиш талаб этилади.

“Маданият” тушунчаси фундаментал, муҳим терминологик жихатдан аниқланмаган, кенг, кўп маъноли ва шу каби тушунчалар каторига киради. Антропологлар маданият тушунчасига турли хил тариф бериб келганлар.

Маданият бу муайян кишилар гуруҳидан мерос бўлиб ўтувчи, уларни айнан бошқа гуруҳдаги вакиллардан фарқлаб турувчи, муайян артефактларига эга хулқ моделларини ўз ичига олади. Маданият шаклланган ёки мерос ўтган хулқ-атвор моделларини уйғунлаштириш бўлиб, улар инсонларнинг гуруҳларини аниқлайди, уларни бошқа гуруҳ ёки миллатдан фарқлайди ва махсус артефактларда ўз ифодасини топади. Ҳар бир маданиятнинг мажбурий тавсифи ва унинг рамзий хусусияти тўғрисида баҳслашади.

Маданиятнинг мажбурий ва символик характери масаласи юзасидан ҳам жуда кўп баҳс мунозаралар бўлиб туради. Маданиятшунослар маданият тушунчасини ҳам икки хил даражага бўлишади:

1. Жамиятнинг муайян тарихий тараққиёти, ижодий имкониятларнинг тарихий ривожланиши;
2. Муайян давлат, халқ, миллат, кишилар гуруҳи учун хос бўлган хулқ атвор, қадрият, миллий анъаналар жамланмаси.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳеч кимга тегишли бўлмаган маданият ҳам мавжуд эмаслиги аниқ. Д. С. Лихачевнинг миллий юксаклик ва миллий тавсифни чеклаш фикридан келиб чиқиб, Ю. Н. Караулов миллий юксаклик – бу маданият юксаклиги, маданиятни эса ҳамиша миллий деб тарифлайди. Бу эса умуминсоний маданият тушунчаси йўқ дейишга асос бўлмайди, лекин умуминсоний маданиятда миллийликка тегишли қирралар бўлмайди.¹

¹ Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. 2002. Б. 47

Маданият маъноси инсон тилининг хулқ-атвори, унинг психологияси (руҳияти) гарчи, тушунчада кўп нарсалар номаълум ва ноаниқ бўлсада, тўғри тушуниш мақсадида замонавий фан томонидан бошқа муҳокама этилмаяпти. Бунинг сабаби объектнинг хиралиги ва уни тадқиқ этиш усуллариининг мукаммал эмаслиги билан изоҳланади.

“Маданият” тушунчасига аниқ, ўткир тариф беришнинг иложи йўқ.¹ Жуда кўп тадқиқотчилар ва энциклопедияларда келтирилган таърифларни таҳлил қилиб, Ю. М. Лотман томонидан келтирилган таъриф маъкул кўрилди: “Маданият бу умумий авлоддан авлодга ўтадиган маълумот, дата бўлиб, унинг ташкил қилиниши ва сақланиши усуллари унинг компонентлари ҳисобланади.²

Маданиятни билиш эса шу маданият вакилининг ўз маданияттига қанчалик яқинлигини кўрсатади. “Рус миллатига мансуб кишининг Ломоносов кимлигини билмаган ёки “Евгений Онегин” китобини ўқимаганда жуда ноқулай бўлиши тайин. Бундай кишини ёки хорижлик ёки бошқа сайёралик деб аташ мумкин”.³ Худди шундай қилиб, Алишер Навоийни танимаган, “Дўппи тикдим” ни эшитмаган кишиларни ҳам ўзбек деб аташ мушкул масаладир.

К. Ажеж исмли замонавий француз тадқиқотчиси ҳам маданиятнинг аҳамиятини қисқа сўз билан тарифлаган: «...тилининг ўлими маданиятнинг инқирозидир.⁴

Инсон ўзини тутиши, ахлоқини унинг психологияси, тилини ҳар томонлама ҳаммага тушунарли бўлиши фанга киритилмаган омилдир. Лекин бу масала юзасидан ҳам кўп баҳс мунозаралар юритилади. Маълумки, «маданият» тушунчасининг мазмуни аниқланмаган. Маданият деб табиатга киритилмаган объектлар, яъни бинолар, қурилмалар, кийимлар, овқат

¹ Имплицитность в языке и речи / Отв. ред. Е.Г.Борисова, Ю.С.Мартемьянов. М., 1999. –Б 125.

² Лотман Ю.М. Семиосфера. С.-Петербург. “Искусство-СПБ”. 2000 –Б 395.

³ Рождественский Ю.В. Введение в культуроведение. М., 2000. –Б 83.

⁴ Ажеж К. Человек говорящий. Вклад лингвистики в гуманитарные науки. Перевод с французского. 2003. –Б 44.

тайёрлаш усуллари, ижтимоий муносабат, вербал ва новербал мулоқот, болалар тарбияси, таълим, дин, эстетик афзал кўриш, фалсафа ва бошқалар.

Жуда кўп ҳолларда маданиятнинг моддий ва маънавий, санъатга оид синфларга ажратилиши ҳам кўп учрайди. Маданиятнинг моддийлик ва маънавий қадриятларга бўлинишини олимлар илмий абстракция деб баҳолаб, маданиятнинг яхлитлиги ҳақида хулоса қабул қилишди. Унда ҳар бир моддийлик яратилишидан олдин инсон онгида ғоя сифатида шаклланган бўлиши керак.

Шу билан боғлиқ равишда ҳам маданиятнинг компонентларини аниқлашнинг иложи йўқ. Шунингдек, “маданият” деганда “воқеа ва ходисалар, аломат, белги ва предметларнинг кенг доираси” тушунилиши ҳақида ҳам фикр йўқ эмас. Мисол учун, “маданият” рубрикациясига қуйидагиларни:

Нексия, Сирдарё, Қиммат;

сўм, тийин, Ўзбекистон Республикаси;

жадидлар ҳаракати;

мастава, манти, ош;

Ўзбекистон ҳаво йўллари, Ўзбекистон Миллий университети;

Дўпписини осмонга отмоқ; ва ҳк.ларни ҳам киритиш мумкин, чунки қайд этилганлар бевосита миллий маданиятга тааллуқли.

Лингвистик нуқтаи назардан ҳам баҳолаганда бу каби элементларнинг хусусиятлари ўзига хос:

1. Бу каби сўзлар ва уларнинг референтлари эквивалентсиз бирликлардир;
2. Улар коннотацион сўзлар ва фразеологизмлардан ташкил топиши мумкин.

Маданиятнинг ўрганиш қийинчиликлари айниқса ҳудудий ва бошқа сабабларга кўра қийинчилик туғдиради, чунки тадқиқотчи бошқа маданият вакили бўлиши ҳам мумкин. Мисол учун, Тошкентлик киши Хоразм

маданиятини ўрганиш учун у ҳақида китоб ўқишнинг ўзи етарли эмас, у муҳиtida бўлиш, яшаш ҳам бунда муҳим ўрин тутди.

Бу эса ўз ўрнида бир гуруҳ маданиятининг шу гуруҳ вакили томонидан ўрганилиши осон деган фикрни ҳам тасдиқлашга имкон бермайди. Чунки ўз маданиятининг ҳам ўзига хос хусусиятларини ташқи кузатувчи сифатида ёритиш учун маҳорат талаб қилинади. Бошқа маданиятни ўрганишда эса ўз миллий маданиятини солиштириш манбаи бўлиб хизмат қилиши ҳам самара бермайди. Бизнинг маданиятимиз тилимизда акс этган бўлса ҳам ўз маданиятимизни ҳам ўрганиш ва баҳолаш етарлича қийин.

Маданиятда қабул қилиш омиллари аниқ:

А) долзарб;

Б) муҳим¹

Турли маданият гуруҳларида айнан бир тушунчанинг қатламларида турли фикрлар жамланади. Мисол учун, хитойликлар учун оила “бахт ва гармония” рамзи бўлса, пул эса “муҳим, қўп, оз, яхши ва қимматбаҳо” деб баҳоланади. Ўзбек маданияти вакиллари учун эса оила муқаддас, саждагоҳга тенгланган, пул эса қўлнинг кири деб баҳоланади.

Хуллас, турли маданиятлар ўртасидаги фарқларга мисол келтириладиган бўлса, рўйхат чексиз бўлиши аниқ. Ҳаётнинг турли жабҳалари турлича қадрият сифатида баҳоланади. Таомлар ҳам ҳамма ерда турлича тайёрланади ва ҳк.

Айнан шу сабабли ҳам инсонлар бутун дунёда бир бирларини тушунишлари учун тилни билишнинг ўзи етарли эмас, бир бирининг маданиятини ҳам ўрганиш керак. А.А.Брудныйнинг фикрича, бир бирини тушуниш, маданият ва тил уйғунлиги асосида кечади, тил ва маданият инсонлар бир бириларини тушунишлари учун таянч омил ҳисобланади.

Дарҳақиқат, тушуниш ҳеч қандай таҳлилсиз, солиштиришсиз, борица қабул қилиш бўлса, билиш ва ўрганиш солиштириш ва таҳлил асосида босқичма босқич билимларни эгаллашни англатади.

¹ Мацумото Д. Психология и культура 2003. –Б 110.

Тил ва маданият уйғунлиги ҳам айнан маданият вакилларининг маданиятни билиши, тушуниши ва ўрганишида ҳам қисман акс этади.

Тушуниш жараёни ҳам кўп қиррали. В. В. Знаков ўзининг монографиясида уни икки хил турга таснифлайди:

1. Онгли равишда (Гносеологик)
2. Тарихий-маданий (Герменевтик).

Тушунишга одатда аввалдан мавжуд тажриба асосида билим ва кўникмалар натижасида эришилади. Тушуниш доирасининг предмети нафақат кўникма ҳосил қилинган маълумот, балки онг учун янгилик бўлган маълумот ҳам бўла олади. Когнитив психологияда тушуниш қабул қилинган маълумот ва аввалдан мавжуд билимлар сифатида тушунилади.

Лекин охириги тадқиқотлар билишнинг тушуниш билан мутаносибликда деб қабул қилиш ҳақидаги фикрларни инкор этиб келди, сабаби тушуниш билишсиз, билиш эса тушунишсиз ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

М. К. Мамардашвили ва А. М. Пятигорский, тушуниш ва билишнинг икки хил масалалиги муаммоси юзасидан мунозара юритиб, ўрта маданиятли одамнинг тушуниш вазиятига кириш учун аввалги кўникмали вазиятларни янгилари билан алмаштиришига тўғри келади, бу эса онг ва тажрибани кенгайтиришнинг энг оммабоп кўникма шаклларида биридир.

Маданият ва тил маълумотнинг етказилишини таъминловчи коммуникатив функцияни бажаради. Коммуникатив функцияга урғу берган ҳолда диалогда қатнашаётган шахснинг позициясини маълумот узатувчи деб баҳоланади. Маълумотни тушунарли етказиш учун тингловчи ҳамроҳнинг қайси ижтимоий ва маданий гуруҳга мансуб эканлиги, қандай қадриятлар асосида тарбияланганлигини билиш ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

Худди шу омилларни ҳисобга олиб, тингловчи ҳам сўзловчи тўғри тушунишга ҳаракат қилмаса, мулоқот мақсадли равишда самарали кечмаслиги аниқ.

1.2. Лингвомаданиятнинг назарий асослари

Лингвомаданият (Лингвокультурология) – замонавий тилшуносликнинг йўналишларидан бири бўлиб, антропоцентрик парадигма доирасида ўрганилади. В.В. Воробьевнинг таъкидлашича, лингвокультурологик тадқиқотлар «замонавий лингвистиканинг барча тенденциялари билан мослашиб, инсон, фикрларш, тафаккур, рухий амалий фаолияти билан узвий боғлиқликда ривожланиб боради»¹. В.Н. Телиянинг қарашларига кўра эса, «лингвокультурология инсонийлик факторига, аниқроғи, – тилда маданий факторга, лисоний факторнинг инсонга таъсири омилларини ўрганадиган фан. Бу эса лингвомаданиятда – инсон ҳақидаги фанда ўрганиш марказида маданият феномени ётадиган антропологик парадигмага предмет сифатида қаралади.²

Лингвомаданият – бу тилшунослик ва маданиятшуносликнинг туташган қисмини ўрганадиган соҳа, тилда муҳрланиб қолган ва акс этадиган миллатнинг мадания воқеъликларини предмет сифатида ўзида мужассам этади. Лингвистиканинг мустақил йўналиши сифатида лингвокультурология XX асрнинг 90 йилларида фан сифатида вужудга келган бўлиб, «лингвокультурология» атамаси биринчи марта Москва Фразеология мактабининг вакили В.Н. Телиянинг илмий ишларида пайдо бўлди. Бу йўналишнинг альтернатив номланиши сифатида ўзбек тилида лингвомаданиятшунослик, рус тилида эса «лингвокультуроведение» атамаси ҳам пайдо бўлди.

Лингвомаданиятшунослик илмий йўналишининг барча вакиллари бу йўналишнинг табиати кўп фанлар билан туташганлигини алоҳида аҳамият билан эсга олишади. (Мисол учун, Воробьев, Маслова). Бу фаннинг номланишига аниқлик киритиладиган бўлса, маданиятшунослик фанида инсоннинг табиат, жамият, тарих, санъат ва бошқа соҳалар бўйича ижтимоий ва маданий тармоқларини ўрганса, лингвомаданиятшунослик оламнинг

¹ В.В.Воробьев. Лингвокультурология в системе гуманитарного знания. Тверст Давлат университети. 2001. Б.101.

² В.Н.Телия. О методологических основаниях лингвокультурологии // Логика, методология, философия науки. Тезисы докладов. М.-Обнинск, 1995. Б.89.

лисоний тасвирида маданиятнинг ментал моделининг лисоний вариантыни ўрганади. Лингвомаданиятда диалог, ўзаро мулоқотда акс этадиган тил ва маданият бирликлари асосий предмет ҳисобланади.

Лингвомаданий анъаналарда тил маданият қуроли, унинг бир қисми, шунингдек, маданиятнинг бир авлоддан авлодда ахборот тарзида сақланиб қолиши манбаи ҳисобланади.¹ Шунга кўра, лингвомаданиятшунослик тилни маданият феномени сифатида ўрганади.

Маданият ўз ўзидан маълумки, халқнинг, миллатнинг тарихий хотираси, «ўзининг кумулятив функциясига кўра, авлодлар ўртасида маданият боғиқликни сақлаб қолиша хизмат қилади, маданиятнинг кодланган ахборотларини нафақат тарихдан ҳозирги кунга, балки бугунги кундан эртанги кунга ҳам сақлаб қолишга имкон беради.

Лингвомаданиятшунослик фанининг ривожланиш босқичларини қуйидагича ифодалашади: биринчиси, фанни ривожланиш босқичидаги биринчи қадамлар (В. фон Гумбольдта, Э. Бенвениста, Л. Вайсгербера, А.А. Потебни, Э. Сепира ва ҳ.к.ларнинг илмий ишлари.); иккинчиси – лингвомаданиятшуносликнинг лингвистика ва маданиятшуносликдан мустақил соҳа сифатида ривожланиши, ҳозирги кунда эса бу соҳа тараққиётининг учинчиси босқиси ўтаётган бўлиб, кўп тармоқли мустақил лингвомаданиятшунослик соҳаси ривожланмоқда.

Дастлабки босқичларда истисно тарзида лингвомаданиятшунослик фани этнолингвистиканинг бир тармоғи сифатида ажралиб чиқди. Мисол учун В.Н.Телия бу соҳага этнолингвистиканинг бир тармоғи сифатида қараган. В.Н.Телиянинг концепциясида лингвомаданиятшуносликнинг вазифалари этнолингвистиканинг вазифаларига яқин деб қаралган. Бу икки соҳа, этнолингвистика ва лингвомаданиятшуносликнинг бир биридан фарқли жиҳати шуки, этнолингвистика материални тарихий ретроспективда,

¹ В.Н.Телия. О методологических основаниях лингвокультурологии // Логика, методология, философия науки. Тезисы докладов. М.-Обнинск, 1995. Б.90.

лингвомаданиятшунослик эса тил ва маданиятнинг синхрон таъсирлашувини ўрганади.¹

Лингвомаданиятшуносликнинг тадқиқот вазифаларини Э.Беневистнинг тузган триадаси билан тушунтириш жуда осон— “тил – маданият – инсон шахси” бу олим лингвомаданиятни линза сифатида кўриб, бу линза орқали этноснинг моддий, рухий борлигини кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда эса лингвомаданиятшуносликка этнолингвистиканинг бир тармоғи сифатида эмас, балки мустақил илмий соҳа сифатида қаралади. Этнолингвистиканинг лингвомаданиятшунослик билан фарқли хусусиятларини аниқлашга уриниб, тадқиқотлар натижасида этнолингвистикани ҳозирги кундаги маълумотлар, ахборотлар манбаида тарихий хусусиятларни излаб, тааххил қилиш билан шуғулланади.² Яъни, муайян этноснинг тарихий маданий ҳаётига тегишли хусусиятларни замонавий материалларда таҳлил қилади. Лингвомаданиятшуносликда эса рухий маданият призмаси орқали тарихий ва замонавий лисоний фактлар таҳлил қилинади.

В.А.Маслованинг концепциясида бу борада В.Н.Телиянинг илмий изланишларидан фарқли натижаларни кўриш мумкин. Хусусан, лингвомаданий тадқиқотларда синхрония ва диахрония масалалари ҳам тадқиқ қилинади.³ В.Н. Телиянинг қарашларига кўра, тил ва маданиятнинг синхрон туташуви лингвомаданиятшуносликнинг предмети ҳисобланади: халқнинг синхрон менталитетида мавжуд, олим жонли коммуникатив жараёнларни ўрганади.⁴ В.А. Маслова лингвомаданиятшунослик тарихий, замонавий лисоний фактларни рухий маданиятнинг призмаси орқали акс эттиришни англатади,⁵ деган фикрни илгари суради. Айнан шунинг учун ҳам

¹ В.Н.Телия. О методологических основаниях лингвокультурологии // Логика, методология, философия науки. Тезисы докладов. М.-Обнинск, 1995. Б.91.

² В.В.Воробьев. Лингвокультурология в системе гуманитарного знания. Тверст Давлат университети. 2001. Б.103.

³ В.Н.Телия. О методологических основаниях лингвокультурологии // Логика, методология, философия науки. Тезисы докладов. М.-Обнинск, 1995. Б.91.

⁴ В.Н.Телия. О методологических основаниях лингвокультурологии // Логика, методология, философия науки. Тезисы докладов. М.-Обнинск, 1995. Б.92.

⁵ В.А.Маслова. Лингвокультурология. М., 2001. Б.37.

лингвомаданиятшунослик ичида диахроник лингвомаданиятшунослик асосий соҳа ҳисобланади.

Лингвомаданиятшунослик статуси бўйича эса унинг объекти масаласи ҳар доим муҳокамалар остида бўлиб келган. В.Н.Телиянинг тушунчаси бўйича, лингвомаданиятшуносликнинг объекти нафақат миллий маданий маълумот, балки умуминсоний ҳамдир.¹ Масалан, Библия китобида келтирилган маълумотлар биргина халққа эмас, турли халқларга тегишли бўлиши мумкин. В.А. Маслова эса лингвомаданиятшунослик объектни торроқ маънода кўриб чиққан. Унинг фикрича, бу фаннинг объекти нафақат муайян халққа тегишли маданий маълумот, балки, муайян халққа яқин, қардош халқларга ҳам тегишли маданий қадриятларни ҳам қамраб олади.²

В.Н. Телия лингвомаданий таҳлилни ички кузатувчи номидан, тилдан ташқаридаги сферада ташкил вилишни таклиф қилади.³ В.А. Маслованинг фикрига кўра, ташқи кузатувчи сифатида таҳлилни амалга ошириш маъқулроқ.⁴ Г.Г. Слышкин эса концептларнинг лингвомаданий хусусиятларини таҳлил қилиш учун нафақат тил бирлигидан нутқ бирлигигача ўрганишни, балки, маданият бирлигидан тил бирлигигача ўрганиш тўғри эканлигини исботлаб берган.⁵

Иккинчи парадигма доирасида лингвомаданиятшуносликнинг асосий вазифаси «биринчидан, дискурда у ёки бу маданият бирлигини ифода қиладиган адекват тил бирликларининг, иккинчидан, турли коммуникатив вазиятларда асосий прагматик функцияларнинг маълум маданиятга нисбатан ўрганилишини тақозо қилади.⁶

Ҳозирги кунда лингвомаданий парадигма бўйича В.Н. Телия, В.А. Маслова, В.В. Воробьев, А.Т. Хроленко каби лингвист олимлар самарали

¹ В.Н.Телия. О методологических основаниях лингвокультурологии // Логика, методология, философия науки. Тезисы докладов. М.-Обнинск, 1995. Б.91.

² В.А.Маслова. Лингвокультурология. М., 2001. Б.44.

³ В.Н.Телия. О методологических основаниях лингвокультурологии // Логика, методология, философия науки. Тезисы докладов. М.-Обнинск, 1995. Б.93.

⁴ В.А.Маслова. Лингвокультурология. М., 2001. Б.45.

⁵ Слышкин Г.Г. Лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании и дискурсе. М.: Academia, 2000. Б.113.

⁶ Слышкин Г.Г. Лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании и дискурсе. М.: Academia, 2000. Б.116.

ишлари кўзга кўринимлидир. Бу йўналишга нисбатан турли олимларнинг турлича ёндашув ва трактовкалари оламнинг лингвомаданий образини ўрганишга катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Шундай қилиб, лингвомаданиятшуносликнинг тадқиқот марказида «жамият кундалик ҳаётининг маданий қадриятларга асосланган миллий шаклларининг мулоқотнинг лисоний майдонидаги репрезентацияси туради».

1.3. Маданиятнинг тилда акс этиши

Тилда она тили сифатида сўзловчининг сўзларида жуда кўп маълумот яширинган бўлади:

- ижтимоий ва индивидуал ассоциациялар;
- болалар ва катталар ўртасидаги мослашув;
- кундалик;
- адабий

Моддий маданиятнинг элементлари киши тасаввуридан ҳам кенгрок камровга эга. Лингвомаданий таҳлил ижтимоий ҳаёт даражасининг тилдаги акс этишини ўрганишда ҳам актив қўлланилади, масалан ўзбек миллатида кенг уй, кўп фарзандли бўлиш, тўй томоша қилиш миллийликнинг ажралмас қисми бўлса, инглиз миллати вакилларида бу нарсага дечрли эътибор қаратилмайди. Ижтимоий ҳаёт, ҳолатлар ҳақидаги тасаввурлар ўзининг йилар давиомида, вақт ўтиши билан ўзгариши билан ажралиб туради.

Сўзнинг маданий компоненти аниқлаш учун икки хил йўналиш мавжуд:

1. Тилда сўзлашувчи замонавий вакилнинг билимлари аккумуляцияси (шахснинг маълум маданиятга тегишли эканлигини тасдиқлаш учун исбот сифатида);

2. Мавжуд билимларга эга бўлиш (уларнинг норматив критерия сифатида тасаввур қилиниши);

Бунинг натижасида йўналишлар бир умумийликни ташкил қилади : бир маданий жамиятнинг вакилига айланиш учун шу маданият ҳақидаги билимларга ҳам эга бўлиш керак, тил билимларини эса шу каби маълумотларнинг етказилиши учун олиш керак. Бунинг учун бу каби жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш керак. Бола учун бу жараён табиий, (мактаб, оила) тарзда, бошқа миллат вакили учун эса ўз маданияти билан солиштириш асосида кечади.

Ўз маданиятининг ўрганилиши учун шу маданий муҳитда ўсиш, у ёки бу маданий воқеъликнинг изоҳланиши етарли. Бошқа маданиятни ўрганиш

учун эса лингвоўлкашунослик луғатлари, энциклопедиялар тузилади. Муайян маданият вакили учун ўз маданиятини ўрганиш жараёни эртак, мақол, нақл, матал, хрестоматия, топишмоқ, мактаб дарсликларини ўқиш жараёнида кечади.

Инсон тарбия топаётган муҳити орқали ўтадиган билим турлари ҳам йўқ эмас. Мисол учун, кадриятнинг вербал лингвомаданий хусусиятларни аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қила олади. Тил бирликлари, масалан фразеологизм, идиомалар ҳам этимологик жиҳатдан ва уларнинг функционал хусусиятлари жиҳатидан тилдаги маданиятнинг акс этишини таъминлаб беради.

Лингвистик фанининг ривожланишининг ҳозирги босқичида сўз маъносининг маданий компонентининг лексикографик фиксацияси таҳлил бўйича биринчи ўринда туради.

Тилдаги барча сўз ва лексемаларни тилнинг изоҳли ва энциклопедик луғатларига киритишга эҳтиёж катта, сабаби бу каби лексемаларда тарихийлик ва маданият даталари сақланади. Айнан шу сабабли ҳам охириги вақтларда эскириб бораётган сўзларнинг луғатлари кўпайиб борапти.

Мисол учун “Колхоз” сўзининг маъноси замонавий авлоддан қирқ йиллар олдинги авлод учун тушунарли, лекин ҳозирги авлод бу сўзнинг маъносига бориши қийин.

Қолаверса, маъноли маданият компонентларининг фиксацияси нафақат маданий маълумотларнинг, балки тилдаги динамик ўзгаришларнинг ҳам акс эттириб борилиши учун муҳим.

Тил соҳиблари тушунчаси остида кўп нарса яширинган: ижтимоий ва индивидуал ассоциациялар, болалар ва катталарники, кундалик ва бадий. Д. А. Гранин ўзининг «Керогаз ва бошқалар. Ленинград каталоги» китобида турли авлоддаги инконлар тасаввуридаги фарқларни қатъий ёзган: «Масалан, гамаш ҳақида сўранг. Камдан кам киши унинг нималигини билади ва тушунтира олади., чунки анчадан бери уни киймайдилар. Илгари туфля ва ботинкаларда, улар билан ипни яшириб кийганлар. Гамаш нега керак

бўлганлигини биз ўзимиз ҳам аниқ эслолмймиз, чунки унда бола эдик ва ўзимиз ҳам катталарнинг оёғида гамашни кўрганмиз» (Гранин 2003: 9). Борлиқни лексикографикалаштириш учун муҳим, одатий, турғун бир тушунчани олиш керак. Амалда мазкур принцип мавжуд бўлиб ўта қийиндир.

Моддий маданият элементлари баъзан ўзига тил соҳибларини ҳам камраб олади., ва бу бир қараганда келиб чиқадигандан анча кенгрок. Стул европа маданияти вакиллари учун устида ўтириш мумкин бўлган шунчаки жиҳоз, африка халқларида стул сардор руҳининг ажралмас қисми ҳимбланади. (Шейнин: 288). Инсонда автомобиль ва дала ҳовлининг борлиги бизнинг мамлакатда, айниқса совет иттифоқи даврида муайян ижтимоий мавқени англатар эди, скандинав мамлакатларида эса бу ҳаётнинг оддий даражаси, гарчи уй тури ва автомобиль маркаси унинг ижтимоий даражасидан далолат беради. Эҳтимол ижтимоий аҳамият, мавқе тушунчаси тарихий жиҳатдан ўзгарувчандир. Швед олимлари янги рўёлар ва уларнинг Швециянинг шимолий қисмида яшовчи аҳоли учун аҳамиятини тадқиқ этдилар, ва бунда жумладан XX асрнинг 20-40-йилларида¹шведлар ҳаётида автомобиль роли баён этилган. Автомобиль тушунчасининг ижтимоий аҳамияти ва уни ифолдаловчи сўз аср бошларида шимолий Швециядаги реал ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиққан. Европа ўлчовлари бўйича катта масофалар, аҳолининг камлиги, одамларнинг яшашида катта муаммолар туғдирувчи ривожланган коммуникация тизимларининг йўқлиги, ва бу муаммолар автомобил транспорти ёрдамида осонгина ҳал қилинади. Бундан ташқари ёш авлод учун фикрлаш тарзини бузиш, юқори авлоднинг жиғига тегиш воситаси ҳисобланган. Автомобиль сўзига хос бўлган ижтимоий аҳамият сўзи XX асрнинг 20-40 йилларида ўз моҳиятини ўзгартиради. Бугунги кунга келиб Швецияда автомобиль дабдабабозлик эмас,балки ҳаёт кечириш воситаси. Швед оилалари автомобилга эга, айрим ҳолларда эса иккита. Швед ёшлари эса автомобиль мактаблари тўловининг юқорилиги боис яхши компьютер ва мобил телефонни афзал кўрадилар.

I боб бўйича хулоса

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси бизнинг назаримизда, қуйидаги образ орқали намоён бўлади: одамлар улар ёрдамида мулоқотга киришадиган белгилар билан тил мавжуд, маданият эса тилда юзага келувчи маънолар ифодаланишининг тарихий моделидир.

Тил ва маданият мутаносиблиги қуйидаги омилларга асосланади:

1. Тил ва маданият – инсон дунёқарашини акс эттирувчи англаш шакллари дир;
2. Тил ва маданият бир-бирига чамбарчас боғлиқ рақишда мавжуд;
3. Тил ва маданиятнинг субъекти ҳамма вақт инсон (индивид) ёки жамият (социум);
4. Ҳар иккисининг пайдо бўлиши нормативлик ва историзмга интилиш билан характерланади;
5. Тил ва маданият бир тарафдан ҳар доим ўзгарувчан бўлиб, бошқа тарафдан барқарорликка интилади.

Тил ва маданият коммуникация (одамлар орасидаги мулоқот) жараёни шунингдек, инсон шахси ва бутун жамиятнинг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқ.

Тил бу ўз-ўзини ривожлантирувчи ҳодисадир, яъни тилдан кўп сонли инсонлар фойдаланадилар, лекин шу билан бир қаторда инсоният ўз хохишларига кўра тилни ўзгартира олмайдилар.

Маданият инсониятнинг фаол иштироки билан боғлиқ бўлиб, у инсоният томонидан яратилган. Маданият янги назариялар ва реалликларнинг янги феноменалари таъсири остида ривожланади. Хусусан, ХХІ аср – юқори технологиялар асри инсоният маданиятини жумладан, ҳаёт тарзи, санъати, жамият таркиби, оилавий муносабатлар ва бошқаларни ўзгартиради. Тил ҳар қандай инсоннинг мулкидир, тилнинг ҳодиса сифатида массавийлиги мутлақо табиийдир.

XXI аср маданияти катта миқдордаги оммавий фойдаланувчилар учун яратилган, шунга қарамасдан юқори даражадаги кадр-қимматни ва юқори баҳони пасайтирмайди. Масалан, энг сара санъат асарлари бунга мисол бўла олади.

Шу билан бир қаторда тил – авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтувчи маданиятнинг таркибий қисми, маданиятни англашнинг ва тадқиқ қилишнинг асосий қуролидир. Илмни, динни, адабиётни англаш фақатгина тил ва тил орқали амалга оширилиши мумкин.

Тил ва маданият уйғунлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Мулоқот жараёнида;
2. Онтогенез – инсоннинг тил кўникмаларини шакллантиришда;
3. Филогенез – наслий ва ижтимоий шахсни шакллантиришда.

II БОБ. АТОҚЛИ ОТЛАР – ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР ОБЪЕКТИ

2.1 Атоқли отларнинг умумфилологик моҳияти

Сўзлар ва фразеологик иборалар умумий ном билан лексик birlikлар ёки сўз белгилари деб номланади. Инсон сўз белгиларидан ҳақиқатни қандай қабул қилганлиги, ўз қарашларини ифодалаш учун фойдаланилади. Сўз белгилари инсоннинг кучни тежаш, мулоқотнинг қулайлигига интилиш натижаси ҳисобланади: агар бирор шахснинг эътиборини маълум буюмга қартириб бўлса ҳар сафар уни шу буюмнинг олдида олиб келиб уни кўрсатиш шарт эмас. Предметга бундай кўрсатишни сўз билан алмаштириш мумкин (ёки бир нечта сўзлар билан).

Шу боис сўз белгилари ўз шакли ва маъносига эга, сўз белгилари шакли икки хил: товуш (фонетик) ва ёзув (график). Бу айрим товушлар ва график белгилар (ҳарфлар)нинг шартли ифодаси бўлиб, бир бутунлик сифатида қабул қилинади. Сўз белгисининг формал томони яққол кўринади ва лингвистлар ҳамда таржимонлар энг аввало шулар билан ишлайди.

Сўз белгисининг мазмуни эса у алоқадор бўлган келиб чиқувчи предметлар ва тушунчалар билан белгиланади. Агар сўз белгисининг мазмуни бир қадар номаълум бўлса, уни аниқлаш осон эмас, чунки бу белгилар шартли бўлиб, улар предметга турлича ишора қилиши мумкин.

Сўз белгисининг шакли ва мазмунининг ўзаро алоқаси тилшуносликда номинация термини билан аталади. Бизни предмет (идентификацияловчи) номинация, яъни предметларнинг белгиланиши қизиқтиради. Мазкур китобда предмет тушунчасини кенг қамровда тушуниш лозим: у ҳам жонсиз предметларни, ҳам тирик мавжудотларни, шу жумладан одамларни ҳам қамраб олади.

Номинация тавсифига кўра предметларнинг номлари иккига бўлинади: турдош ва атоқли. Турдош отлар ўзаро ўхшаш бўлган бир қатор кўп буюмларни англатади. Нутқда улар улар мазкур гуруҳдаги қандайдир бир алоҳида буюмга, ёки муайян турдаги барча буюмларга таалукли бўлиши мумкин (масалан, кема,

бола, муассаса, газета). Бошқа турдош отлар ҳақида тилшуносликда улар таснифловчи номинацияга эга деб айтилади.

Турдош от предметлар синфини аташи мумкин ёки мазкур синф ичидаги алоҳида предметни англатиши мумкин. Бу қуйидаги ҳолларда кузатилади:

а) предметнинг индивидуал белгилари ағамиятга эга эмас: He is too young to climb a mountain;

б) тасвирланаётган ҳолатда бу синфнинг фақат бир предмети берилган. Охирги ҳолатни намоён ээтиш учун А. Стругацкийнинг «Қиялик ёнбағридаги чиғаноқ» фантастик романидан мисол келтириш мумкин. Бунда ҳаракат ҳолати ягона «Шаҳар» ва ягона «Ўрмонни қамраб олган эди». «Мени кутиб олишга вокзалга келинглари» хабарида эса, хабар берилаётганларга шароит, тажриба, мантиқий ҳулосадан айнан қайси вокзал назарда тутилаётганлиги тушунарли.

в) предметнинг индивидуал белгилари қўшимча аниқловчилар билан тасвирланади: "They set up outposts on the mountain overlooking The city"; «Гувоҳномани йўқотган фуқаро, маълумотлар бюросига мурожаат этинг»; «Актриса ўзи театрда хизмат қила бошлаган ўша шаҳарни эслади».

Бироқ бир буюмни ўхшаш буюмлардан мулоқот шароитидан қатъий назар ва қўшимча аниқловчиларни қўлламасдан ажратиш зарурати туғилади. Бундай ҳолатда мазкур предметга бошқа ўхшаш предметни номлаш мумкин бўлмаган алоҳида ном бериш мумкин. Бундай ном атоқли дкҳейилади. Атоқли отлар предметни индивидуал, алоҳида белгилаш учун мулоқот шароитига нисбатламаган ҳолда ва қўшимча аниқловчиларни қўлламасдан қўлланилади. Атоқли отлар индивидуаллаштирувчи қункцияни бажаради.

Атоқли отлар тўғри (дастлабки) ва кўчма (иккиламчи) номинатив функцияни фарқлаш лозим. Тўғридан-тўғри номинатив функцияда

атокли отлар у индивидуал тартибда қўйилган предметни кўрсатишга хизмат қилади. Кўчма номинатив функция атоқли отлар номини бошқа тушунчага кўчиради, ва шу боис у бир қатор объектларга хусусият қўшиши мумкин бўлади. Номинатив кўчириш орқали атоқли отларни турдош отга айлантириш мумкин.

Атоқли от билан аталувчи предмет ном эгаси ёки референт бўлади. Одамлар, ҳайвонлар, муассасалар, компаниялар, географик ва астрономик объектлар, кемалар ва бошқа турли буюмлар атоқли отлар референтлари бўлиши мумкин.

Атоқли отларга шунингдек, китоблар, фильмлар, бошқа бадиий ва санъат асарларининг номларини ҳам киритиш мумкин. Шунини қайд этиш муҳимки, атоқли отлар муайян даражада тавсифловчи номлаш ҳам хос. Чунки улар предметни унга ўхшаш предметлар синфидан ажратиб кўрсатади, демак, ўз ичида мазкур синфга ишорани яққол бўлмаган ҳолатда ифодалайди. Шундай қилиб, Бобик, Қоплон, Шарик лақабларининг ҳар бири муайян бир итга тегишли, бироқ улар ит лақаблари бўлганлиги боис айнан ушбу атоқли турдош отларга ҳам ўтказиш мумкин: бобик, барбос, шарик сўзлари индивидуаллаштирувчи кучини йўқотади ва умуман исталган итни кўрсатади.

Бошқа бир томондан, тил соҳиблари тилда номинатив бирликларни қўллашда муайян эркинликларга эгалар яъни, улар, одамларнинг исмини итларга, кемаларга, тайфунларга қўйиши мумкин. Масалан, Чарли, Адольф, Алекс, Чарлес, Глория.

Индивидуализирувчи исмнинг тилдаги тушунча билан боғлиқлиги қуйидаги мисолда кўрсатиш мумкин. Гогольнинг «Ўйинчилар» сахнасида Шулер Ихарев карта дастасига «Аделаида Ивановна» номини беришади. Маълумки бу ном «карта дастаси» тушунчасига боғлиқ эмасдек туюлади. Агар уни нотаниш одам эшитса, бироқ бу алоқа референт билан танишувда ўрнатилади.

Бироқ аниқ ҳолатдан чалғиб, ажратиб олинган Аделаида Ивановна номи бу ким кимга тегишлилигидан қатъий назар ҳар қандай тил вакилларига «инсон», «аёл», «рус жамоаси вакили» тушунчаларини ифодалайди.

Алоҳида ном қўйишга лойиқ буюмлар шунчалик кўпки, атоқли отлар тилдаги лексик доиралардан четда тургандек туюлади. Тилшунос Э. Пулграм, қайд этганидек «мен ўзимга ҳар бир инсоннинг исмини фақат билиш ўрнида билиб олишга қизиқа олмайман, чунки жуда кўп исмлар менинг хотирамни оғирлаштириб юбордилар»¹.

Худди шу тарзда мавжуд бўлган барча географик объектлар, компаниялар ва бошқалар номини билиш мумкин эмас. Бироқ ҳар бир шахс хоҳлайдими, хоҳламайдими бир қанча шахслар, ҳайвонлар ва бошқа жонли жонсиз предметларнинг номи билан танишишига тўғри келади. Бу номлар билан улар тил эгаларинги қайсидир доирасига ёки мулоқот соҳасига маълумлар.

Шу боис атоқли отлар тил тизимининг ташқи томони (периферияси)га айланган. Тил эгалари жуда кўп, уларнинг машҳурлик даражаси турлича. Шу боис атоқли отлар кўплаб изоҳли ва икки тил луғатлари, дарсликлар, таржимонлар қўлланмалари объектига киритилмаган. Ваҳоланки, бу адолатдан эмас: мазкур лексик тур мураккаб расмий, маъновий ва ассоциация қилинувчи тавифларга эга бўлиб, уларнинг маъноси одамларга тил ва маданиятлараро чегараларни енгишда муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида қайд этилганидек, атоқли отлар XX асрда кўплаб рус ва хорижий давлатлар тадқиқотчиларининг тадқиқот объектига айланди. 1978 йилда Краковда XIII Халқаро ономастик конгресс бўлиб ўтди, унинг мавзуси — "Атоқли отлар ва турдош отлар" бўлган. Унда атоқли отларнинг хусусиятлари, уларнинг турдош отлардан кескин фарқлари муҳокама қилинган.

¹ Pulgram E. Theory of names. Berkeley. 1954, p. 26.

Турли олимлар томонидан турли қарма-қарши, поляр назариялар илгари сурилган бўлиб, атоқли отлар тохурли томондан ва турли аспектларда ўрганилган.

Кўплаб муаллифлар атоқли отлар турдош отлардан нима билан фарқланишини аниқлашга уриндилар. Улар томоиндан мазкур масалада бутун бошли назариялар яратилган. Масалан, ўзининг китобида атоқли отларнинг хусусиятлари ва улар тўғрисидаги таълимотни кўриб чиққан А. В. Суперанская, унинг фикрича атоқли от ва турдош отни фарқлашга имкон берувчи уч белгини санаб ўтган. Атоқли отнинг асосий фарқланиб турувчи белгилари унинг фикрича қуйидагилардан иборат:

1. У индивидуал объектга берилади, синфга кирувчи барча индивидларга хос белгига эга объектлар синфига эмас;
2. Атоқли от билан номланганда предмет ҳар доим аниқ белгиланган, чекланган, чизилган бўлади;
3. Тушунча билан бевосита боғлиқ бўлмаган атоқли от тил даражасида аниқ ва бир маъноли коннотацияга эга эмас¹

Ўзининг кейинги ишларида айти муаллиф атоқли от ва атоқли бўлмаган турли исмлар ўртасидаги фарқни янада аниқлаштирган. Умумий лексикадаги сўзлар учун, тадқиқотчи фикрича асосий хусусият умумий объектлар синфи билан муносабатнинг борлиги ва алоҳида объект билан бевосита алоқанинг йўқлигида ифодаланади. "Атоқли отларнинг асосий хусусияти — уларнинг тушунча билан алоқанинг йўқлиги, ягона, аниқ объект билан узвий алоқада эканлигидадир"²

Машҳур Украин ономотологи Ю. А. Карпенко ўз диққатини турдош ва атоқли отлар ўртасидаги моҳият ва функционал жиҳатдан фарқларга, шунингдек тил хусусиятларига қаратган. Тадқиқотчи фикрича муаммога функционал ёндашувнинг ўзи камлик қилади, хусусан, турдош отларда умумлаштириш (классификация) функциясини, атоқли отларда эса

¹ Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. —М., 1973. Б.46.

² Суперанская А.В. Структура имени собственного - М.: Наука, 1969. Б.32.

индивидуллаштириш функциясини қайд этиб ўтишнинг ўзи кифоя эмас. Бундан ташқари, унинг таъкидлашича функция — моҳият эмас, моҳиятнинг намоён бўлишидир. Тадқиқотчи атоқли ва турдош отларнинг функцхционал фарқлари шубҳасиз мавжуд бўлиб, бироқ улар умумлаштириш— индивидуаллаштириш йўналишидан эмас, балки ажратиш— бирлаштириш йўналишидан борадилар.

В. Д. Бондалетов: ҳам айти йўналишдаги фикрларни қўллаб қувватлаб "Атоқли отлар бир турдаги объектларни ажратади, турдош отлар эса уларни бирлаштиради"¹

Ю. А. Карпенко атоқли отларни дифференциал, турдош отларни таснифловчи деб номлашни таклиф этган. Тадқиқотчи фикрича кўп ҳооларда айниқса топонимлар ва антропонимларда, дифференциал функция асосий бўлади.

Муаллиф умуман олганда атоқли отлар функциясининг ярим функционаллиги фикрини қувватлайди (худди турдош отлар каби), ва ударда идентификация қилувчи, эстетик ва бошқа қатор функцияларни белгилайди. Атоқли ва атоқли бўлмаган отларни бўлишнинг асосий меёри Ю. А. Карпенко фикрича , қуйидагида кўринади: бир предметнинг номи атоқли от, бир қатор предметларни номлаш — турдош. Фикр юритишда турдош отга тасаввур исмларига хос тушунча мос келади. Умуман олганда, тадқиқотчи тилшунос А. А. Реформатский томонидан билдирилган: Атоқли отлар энг аввало номинатив функцияни бажаради - муайян предметларни номлайди; турдош отлар - семасиологик функцияни бажара — улар предметни номлабгина қолмай у тўғрисида тушунча ифодалайди

В. Д. Бондалетова "Рус ономастикаси" ишида асосий назариялар ва тадқиқотларнинг қисқа таҳлилидан сўнг, атоқли отларнинг тилшуносликдаги мақоми хусусида сўз юритади. Унинг асосий тезисларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

¹ Бондалетов В. Д. Ономастика и социоллингвистика. / В.Д. Бондалетов. // Антропонимика. –М., Наука, 1970. Б.19.

Атоқли отлар кўп ҳолларда тилнинг сўз бирликлари бўлиб, тилшуносликнинг тугалланган объекти сифатида кўрилиши лозим. Атоқли отлар тилнинг коммуникатив эмас, номинатив бирлигига оид бўлиб, дунёдаги кўплаб синфларда аниқ бир от сўз туркуми синфига киради (субстантив исмлар).

Атоқли отнинг ўзига хос хусусияти тил даражасида ҳам уларни “умумий” кўриб чиқишда, шунингдек, нутқ жараёнида муайян контекстларда ва вазиятларда яққол кўринади.

Атоқли отнинг ўзига хос хусусияти унинг тил жиҳатдан тузилмақий ва функциянал хоссасида намоён бўлади.

Функциональном доирада атоқли отнинг ўзига хос хусусияти қуйидаги асосий функцияларни ажратиб кўрсатишга имкон бери: номинатив, идентификацияловчи, дифференциацияловчи. Иккиламчи сифатида: ижтимоий, ҳиссий, аккумулятив, дейктик (кўрсатувчи), "қаторга киритиш" функцияси, мурожаат этувчи, эстетик, стилистикларни ажратиб кўрсатиш мумкин [Бондалетов 1993:

Онимлар синфининг санаб ўтилган хусусиятлари, албатта атоқли отнинг ўзига хос хусусиятига доир барча масалалр моҳиятини очмайди. Турли ономастик тадқиқотларда атоқли отларни тавсифловчи кўплаб бошқа хусусиятлар ҳам келтирилади.

Барча тадқиқотчилар атоқли отнинг ўзига хос хусусияти унинг маъносида ифодаланади деб ҳисоблайдилар, бироқ уни шарҳлашда фикрлар бўлиниб кетади. Бир гуруҳ олимлар атоқли отнинг ўзига хос хусусияти маънонинг заифлашуви, айрим ҳолларда эса умуман мавжуд эмаслигида деб ҳисоблайдилар. Бундан атоқли отларни оддий бўш белгилар, ярлққлар, этикеткалар сифатида қабул қилиш келиб чиқади. Бошқа бир гуруҳтадқиқотчилар атоқли отнинг ўзига хос хусусияти уларнинг алоҳида аниқлигини белгиловчи унинг "гипертрофиралашган номинативлигада (номлашида)" кўрадилар.

Кўплаб тадқиқотчилар тил бирлиги сифатида атоқли отларнинг маъносининг мураккаблиги, диалектиклиги эътироф этилади (аксарарият ҳолларда сўзларнинг). Замонавий сўз назариясида сўзнинг маъноси - ҳам тингловчи ҳам сўзловчи томонидан деярли бир хил тушуниладиган сўз мзмунини тушунилади ва ўз ичига қуйидаги уч турдаги муносабатни қамраб олади:

- Денотатив – сўзнинг предметга муносабати;
- Сигнификатив – тушунчага муносабат;
- Тузилмавий – сўз маъносининг, умуман сўзнинг бу тилдаги бошқа сўзларга муносабати.

Атоқли от, тил бирлиги бўлиб — сўз ёки функционал жиҳатдан ўхшаш бўлган сўз бирикмасига нисбатан юқорида санаб ўтилган барча муносабатларга : денотатив, сигнификатив ва тузилмавий муносабатга эга, бироқ атоқли отдаги уларнинг сифати бирмунча ўзига хос бўлиб, атоқли отларга тил-нутқ ўзига хослигини таъминлайди.

Атоқли отни тил-нутқ категорияси сифатида кўриб чиқишга доир фикрларни умумлаштириб қуйидагиларни айтиш мумкин. Атоқли отлар-алоҳида предметларнинг аниқ номини ажратиб кўрсатувчи тил, нутқ бирлиги бўлиб, бунда изтисослашув оқибатида маъно, грамматик расмийлаштирилув ва функционал жиҳатдан бир қатор ўзига хос хусусиятларни шакллантирган. Турдош от муайян предметлар синфининг тушунчасини ифодалайди ва бу синфдаги бир нечта аниқ предметларни номлайди. Атоқли от эса аниқ бир предметни номлайди ва уни бир турдаги ёки турдош предметлар синфи билан боғлайди. Турдош отнинг бирламчи маъноси предметни ажратиб кўрсатиш, иккинчи вазифаси предметни унга ўхшаш бўлганлар билан бирлаштириш. Турдош от учун аниқ бир предмет тушунчасини ифодалаш ва унинг факультатив номини ифодалаш муҳим. Атоқли от учун аниқ бир предметни номлаш шарт бўлиб, унинг тушунчавий алоқадорлиги факультатив ҳисобланади.

2.2. Ономастика – атоқли отларни ўрганувчи тилшунослик соҳаси

Ономастика (грекча *onomastika* — ‘ном бериш санъати’) — атоқли отларни ўрганувчи тилшунослик бўлими [Караулов 1998: 279].

Н. В. Подольская ўзининг "Рус ономастика терминологии" ("Словаре русской ономастической терминологии") асарида ономастика фанинг бир нечта турларини ажратиб кўсатган.

Шеърый ономастика — бадий асарлардаги барча атоқли отларни (поэтонимы) ўрганувчи ономастика бўлими: уларни яратиш принциплари, усули, матнда ўзини тутиши, китобхон томонидан қабул қилиниши; шунингдек муаллиф дунёқараши ва эстетик йўналишлари.

Амалий ономастика — шакли урғу, талаффуз, транскрипция, орфография, атоқли отларнинг турланиши қоидалари, шунингдек отонимик хосилаларнинг норматив моделларини (отасининг исми, аҳолини турар жойига кўра номлаш, топонимлардан келиб чиққан сифатларва бошқ.) белгилаш амалиёти билан боғлиқ ономастик тадқиқотларнинг алоҳида йўналиши. Ономастик тадқиқотларнинг бу йўналишида апалий топонимика, амалий антропонимика ва бошқа турлар ажратилади.

Регионал (худудий) ономастика — муайян худуд, маҳаллий ономастик тузилма билан боғлиқ билан ономастик тадқиқот йўналиши. Бундай тадқиқотлар одатда онимик макон соҳаларидан бири: топонимлар, антропонимлар, астронимларга доир бўлади. Бу турдаги тадқиқотлар мақсади бу худуддаги номлар ўзига хос хусусиятини аниқлаш ва бу номларнинг (ёки исмларнинг турларини) қўшни ва ёки узоқ худудлар билан боғлиқлиги тадқиқ этилади.

Назарий ономастика — онимик тизимларнинг ривожланиши ва фаолияти умумий қоидаларини бўғиашга, онимик универсалликларни белгилашга қаратилган ономастик тадқиқотлар.

Ономастика тилшуносликнинг бир қисми ҳисобланади. Тилшунослик чегараларидан четга чиқиш ономастика учун мажбурий бўлган унинг экстралингвистик компонентлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ёпик жамоалар онимик тизимларининг белгилиги номларни фақат мазкур жамоа аъзолари томонидан қабул қилинадиган ва бошқа шахслар уқун ҳар доим ҳам тушунарли бўлмаган кенг доирадаги ижтимоий, мафкуравий, биографик ва бошқа ҳодисалар сифатида мустаҳкам боғлайди. Шу жиҳатдан Суперанская А. В. Атоқли отларни терминлар билан, ономастикани эса фан сифатида терминология билан боғлайди. А. А. Реформатскийнинг “Славян лингвистик терминологияси (1962) асарига асосланиб, у: "Термин ҳар доим қайсидир бир терминологиянинг аъзоси бўлиб, унинг доирасида у атоқли ном каби бир маъноли ҳисобланади, ва улар муайян жамият ютуғи бўлиб, унинг ичида фақат унинг объектив-номинатив алоқасигина эмас, балки у билан алоқадор тушунча ҳам тушунарли бўлади. Биро термин мазмунини тушуниш учун бутун назарияни тушуниш керак бўлганидек, жамоадаги биро-бир номни тушуниш учун мазкур жамоани нг тарихи ва номланаётган объектнинг бошқалар билан алоқасини билиш талаб этилади. Исм асосида муайян образ, ҳар бир халқ учун учун индивидуал бўлган номлаш усули ётади.

Жонли сўзлашув нутқида исмлар алоҳида бир халқ, миллатга хос турмуш, анъаналар, маданият, анъаналар, дин, турмушдаги дин, дунёқараш ва бошқаларга боғлиқ.

Ономастика анъанавий тарзда атоқли номга эга объектлар тоифасидан келиб чиққан ҳолда бўлимларга бўлинади: антропонимика инсонлар номини ўрганади, топонимика —географик объектлар номини ўрганади, зоонимика — ҳайвонларнинг лақабларини, астронимика — осмон жисмлари номини ўрганади ва бошқ. Ономастика атоқли отларни реативонимларга (мавжуд бўлган ёки ҳозирда мавжуд объектларнинг номлари) ва мифонимларга (афсоналарда, эртакларда, эпоея ва бошқаларда ўйлаб топилган объектларнинг номлари).

Исмларнинг пайдо бўлиш тарихи ва номлаш сабаблари, уларнинг қайсидир бир онимлар синфида туриши, онимларнинг шакли ва тавсифига кўра бир синфдан бошқасига ўтиши, ҳудудий ва тил жиҳатдан

таксимланиши, нутқда қўлланилиши ва бадиий матнларда атоқли отларни яратиш ономастиканинг тадқиқот объектини ташкил этади.

Мазкур тадқиқот шерият ономастикаси принциплари асосида қурилган, бироқ, унинг мақсади алоҳида олинган эмас, балки жамоавий муаллиф – халқ, хусусан: унинг тил менталитети хусусиятлари ҳисобланади.

Тил менталитети дейилганда биз О. Г. Поченцовский каби "тил билан тақдим этиш ёки дунёни бўлиш усулини" тушунамиз. Тил менталитетини дунёни қабул қилишнинг ижтимоий маданий қолиплари ташкил этади, ва улар ҳар бир халқда фарқланади ҳамда турли жанрлардаги матнларда, биринчи навбатда, фольклорда ўз ифодасини топади.

2.3. Атоқли отларни таснифлаш муаммоси

Атоқли отларнинг барча турлари таснифланади. Замонавий ономастикада, А. В. Суперанская томонидан ономастик ҳудудни оптимал структуралаш таклиф этилган.

Атоқли отлар тизими хилма хил. Атоқли отларни таснифлашнинг энг маълум тизимлари А. В. Суперанская ва Н. В. Подольскаяларга тегишли. Атоқли отларнинг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, А. В. Суперанская қуйидаги тасниф гуруҳларини ажратиб кўрсатган.

1. Атоқли отларни номланаётган объектга кўра таснифлаш:

а) тирик жонзотлар ёки тирик деб қабул қилинадиган жонзотларнинг номлари:

- антропонимлар – шахс номлари;
- зоонимлар – ҳайвонлар лақаби;
- мифонимлар – ономастик маконнинг афсоналар, эпопеялар, эртаклар, маталлардаги исталган соҳаси номлари;

б) жонсиз предметларнинг номлари:

- топонимлар – аҳоли пунктлари номлари;
- космонимлар ва астронимлар – фазовий объектлар номлари;
- фитонимлар – ўсимликлар номлари;
- ҳаракатланиш воситалари номлари;
- тур ва фирма номлари;

в) комплекс объектларнинг атоқли отлари:

- корхона, муассасаларнинг номлари;
- хрононимлар – тарихий муайян вақт оралиғи номи;
- байрамлар, юбилейлар, тантаналар; маросимлар, уруш номлари;
- бадий асарлар номлари;
- документонимлар;
- табиий офатлар номлари;
- фалеронимлар – орден, медалларнинг атоқли номлари.

2. Табиий вужудга келган ва сунъий яратилган номлар.
3. "Микро - макро" чизиғи бўйича тасниф.
4. Исмларнинг структуравий таснифи.
5. Исмларнинг хронологик таснифи.
6. Исмларга бириктирилган тушунчалар ҳажмига доир тасниф.
7. Стилистик (услубий) ва эстетик тасниф.

А. В. Суперанская фикрига кўра, энг бирламчи тасниф предмет-номинатив тасниф ҳисобланади, чунки "предметга доирлик, одатда, ном "эгасини" ва унинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради"¹

Н. В. Подольская ўзининг рус ономастик терминология луғатида А. В. Суперанскаянинг предмет-номинатив таснифини тўлдирган ва кенгайтирган. Унинг дунёнинг ономастик манзараси тўғрисидаги тасаввурини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

1) Фазовий макон номлари:

- космоним;
- астроним;

2) Ер макони номлари:

- топоним;

3) Ер макони номлари (жонли ва жонсиз табиат);

- жонли ва жонсиз ҳудуд исмлари (қуруқликлар, дунё океани);
- инсон фаолияти соҳалари номлари.

Юқорида санаб ўтилган таснифлардан келиб чиқиб, атоқли исмларнинг тизими анчагина бой ва турли хил. Н. В. Подольская томонидан берилган схемаларда, тизимлардаги элементларнинг иерархиклиги яққол кўринмоқда. Тадқиқотчининг фикрича, "объектлар иерархияси табиатда яхшироқ кузатилади ва инсоният фаолиятида қийинроқ"² [Подольская 1988: 14].

Тилларда мавжуд отлар семантик жиҳатдан бир нечта гуруҳларга бўлинади:

¹ Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. –М., 1973. Б.66.

² Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. М., 1988. Б.14.

1. Атоқли отлар (Proper nouns);
2. Турдош отлар (Common nouns);
3. Жонли нарсаларни ифодаловчи отлар (Animate Nouns);
4. Жонсиз нарсаларни ифодаловчи отлар (Inanimate Nouns);
5. Конкрет отлар (Concrete Nouns);
6. Мавхум отлар (Abstract Nouns);
7. Саналадиган отлар (Countable nouns);
8. Саналмайдиган отлар (Uncountable nouns);
9. Жамловчи отлар (Collective nouns);
10. Модда ифодаловчи отлар (Nouns of material);
11. Шахс ифодаловчи отлар (Personal Nouns);
12. Шахс ифодаламайдиган отлар (Non-personal nouns);
13. Эркак жинсини ифодаловчи отлар (Nouns denoting male sex);
14. Аёл жинсини ифодаловчи отлар (Nouns denoting female sex)

Таниқли ўзбек тилшуноси, профессор Ў.Қ. Юсупов назариясига кўра, “Атоқли отлар инсонларни ёки нарсаларни бир-биридан фарқлаш учун кўлланиладиган индивидуал номлар (алоҳида исмлар)дир”¹ Масалан,

Инглиз тилида: Brown, Nick, New-York, The Volga, The Black Sea ва б.

Ўзбек тилида: Эргашев, Тошкент, Волга, Қора денгиз ва б.

Инглиз тилида ойлар ва ҳафта кунлари атоқли от ҳисобланса, ўзбек тилида улар турдош отлар гуруҳига киради.

Инглиз тилида: He came in September.

Ўзбек тилида: У сентябрда келди.

Ушбу хилма-хилликлар тиллараро интерференцияга сабаб бўлиши мумкин ҳамда “He came in *september” каби орфографик хатоликлар келиб чиқиши кузатилади. Хар икки тилда – ўзбек ва инглиз тилларида атоқли отлар бош ҳарф билан ёзилади.

¹ Юсупов Ў.Қ. Инглиз ва Ўзбек тилларининг чоғиштира лингвистикаси. – Т. “Академнашр”, 2013. –Б 43.

Инглиз тилидаги атоқли отлар ўзбек тилидан кўра кўпроқ грамматик аҳамиятга эга. Чунки, улар олдидан қўлланиладиган артиклар муайян чекловларни талаб қилади. Қоидага кўра, атоқли отлар олдидан артиклар ишлатилмайди.

Профессор Ў.Қ.Юсупов атоқли отларнинг қуйидаги таснифини ишлаб чиққан:

1. **Антропонимлар** – инсон исмлари, фамилиялар, тахаллуслар, лақаблар ва бошқалар.

Инглиз тилида: Shakespeare, Madonna, Michael, Ann, Anna, Mary, Jack London, Peter, Stevenson.

Ўзбек тилида: Навоий, Мирмуҳсин, Райҳон, Бехзод, Озод Шарафиддинов, Азиза ва бошқалар.

Профессор Ў.Қ.Юсуповнинг таъкидлашича, антропонимлар – лингвокультуремадир. Чунки уларда миллат маданияти оз бўлсада акс этади. Лингвокультурема маданиятнинг бирор қисмини ўзида мужассам этган тил бирлигидир.

2. **Топонимлар** – жой номлари жумладан, шаҳарлар, қишлоқлар, туманлар, вилоятлар, давлатлар, штатлар ва мамлакатлар номлари.

Инглиз тилида: London, England, Europe, Chilanzar District, Andijon region ва бошқалар.

Ўзбек тилида: Тошкент, Англия, Европа, Олмазор тумани, Самарқанд вилояти ва бошқалар.

3. **Гидронимлар** – дарё, кўл, канал, бўғоз, денгиз, океанлар номлари.

Инглиз тилида: The Thames, The Baikal, The British Channel, The Persian Gulf, The Black Sea, The Atlantic (Ocean) ва бошқалар.

Ўзбек тилида: Сирдарё, Қора Денгиз, Тинч океани, Форс кўрфази, Байкал кўли ва бошқалар.

4. **Кўча, майдон ва хиёбонлар номлари**

Инглиз тилида: Oxford Street, Hyde Park, Navoi Street, Trafalgar Square ва бошқалар.

Ўзбек тилида: Навоий кўчаси, Мустақиллик майдони, Ғофур Ғулом боғи ва бошқалар.

5. Газета ва журналларнинг номлари

Инглиз тилида: The Times, The Pravda, The Meridian ва бошқалар.

Ўзбек тилида: Халқ сўзи, Даракчи, Саодат, Ғунча ва бошқалар.

6. Кемалар ва меҳмонхоналар номлари

Инглиз тилида: The Victoria, The Titanic, The Aurora ва бошқалар.

Ўзбек тилида: Титаник, Чорсу меҳмонхонаси ва бошқалар.

7. Ороллар, юлдузлар тўдаси ва тоғ чизмаларининг номлари

Инглиз тилида: The British Isles, The Great Bear, The Alps ва бошқалар.

Ўзбек тилида: Курил ороллари, Катта чўмич юлдуз туркумлари, Алп тоғлари ва бошқалар.

8. Ойлар ва ҳафта кунларининг номлари

Инглиз тилида: September, May, Sunday, Monday ва бошқалар.

Ўзбек тилида: сентябрь, май, якшанба, душанба ва бошқалар.

9. Тил ва миллат номлари

Инглиз тилида: English, Russian, Uzbek, the English, the Russian ва бошқалар.

Ўзбек тилида: инглиз тили, рус тили, инглизлар, руслар ва бошқалар¹

¹Юсупов Ў.Қ. Инглиз ва Ўзбек тилларининг чоғиштирма лингвистикаси. – Т. “Академнашр”, 2013. –Б 42-44

II боб бўйича хулоса

Сўзлар ва фразеологик иборалар умумий ном билан лексик birlikлар ёки сўз белгилари деб номланади. Инсон сўз белгиларидан ҳақиқатни қандай қабул қилганлиги, ўз қарашларини ифодалаш учун фойдаланилади.

Сўз белгисининг мазмуни эса у алоқадор бўлган келиб чиқувчи предметлар ва тушунчалар билан белгиланади. Агар сўз белгисининг мазмуни бир қадар номаълум бўлса, уни аниқлаш осон эмас, чунки бу белгилар шартли бўлиб, улар предметга турлича ишора қилиши мумкин.

Сўз белгисининг шакли ва мазмунининг ўзаро алоқаси тилшуносликда номинация термини билан аталади. Бизни предмет (идентификацияловчи) номинация, яъни предметларнинг белгиланиши қизиқтиради. Мазкур китобда предмет тушунчасини кенг қамровда тушуниш лозим: у ҳам жонсиз предметларни, ҳам тирик мавжудотларни, шу жумладан одамларни ҳам қамраб олади.

Номинация тавсифига кўра предметларнинг номлари иккига бўлинади: турдош ва атоқли. Турдош отлар ўзаро ўхшаш бўлган бир қатор кўп буюмларни англатади. Нутқда улар улар мазкур гуруҳдаги қандайдир бир алоҳида буюмга, ёки муайян турдаги барча буюмларга таалуқли бўлишги мумкин (масалан, кема, бола, муассаса, газета).

Турли ҳил объектларнинг муайян ном билан аталишида уларнинг маълум белгилари эътиборга олинади. Буюк шахсларнинг номини абадийлаштириш учун у билан қандайдир боғлиқ бўлган ҳолат ҳисобга олинади ёки шахсга катта ҳурмат юзасидан жой шу шахс номи билан юритилади. Масалан, Ҳамзаобод шаҳри шу жойда маълум давр яшаб, меҳнат қилган Ҳамза номи билан; Қипчоқ, Сарой қишлоқларининг номлари номлари шу қишлоқ аҳолисининг этник келиб чиқиши билан, Қатортерак, Учтол, Бешариқ, Баланд масжид сингари жрй номлари шу жойдаги ўсимлик, бино, сув иншооти хусусияти билан боғлиқ равишда қўллангандир.

Шахсга қўйилган номларда эса ота-онанинг орзу-умиди (Баҳтиёр, Умид, Гўзал), боланинг ташқи белгиси (Холдор, Анор, Қовоқвой), халқнинг урф-

одати (Ороқвой, Тешабой, Болтабой), туғилган куни (Одина, Жумабой) ўз аксини топган бўлади. Номлар, уларнинг турлари номланиш сабаблари билан шуғулланувчи тилшуносликнинг бўлимига Ономастика (лот. *onoma* “ном” сўзидан олинган) дейилади.

Атоқли отлар номланувчи объект турига кўра бир неча гуруҳга бўлинади:

Шахс ва уларга қўйилган номлар – антропонимлар (лот. *antropos* “шахс”, “одам”, *onoma* “ном”): Аҳмад, Карим ва бошқалар;

Географик объектлар ва уларнинг номлари – топонимлар (лот. *topos* “қишлоқ, шаҳар, майдон кўча” *onoma* “ном”): Ширмонбулоқ, Қоракўл, Қарши каби.

Ҳайвон номлари ва уларга атаб қўйилган номлар – зоонимлар (лот. *zoom* “ҳайвон” *onoma* “ном”): тўрткўз, зийрак, бўрибосар каби.

Сув ҳавзалари иншоотлари ва уларга атаб қўйилган номлар (дарё, кўл, денгиз номлари) гидронимлар (лот. *gidro* “дарё”, “сув”, *onoma* “ном”): Орол денгизи, Балхаш кўли, Қашқадарё каби.

Атоқли отларга шунингдек, китоблар, фильмлар, бошқа бадиий ва санъат асарларининг номларини ҳам киритиш мумкин. Шуни қайд этиш муҳимки, атоқли отлар муайян даражада тавсифловчи номлаш ҳам хос. Чунки улар предметни унга ўхшаш предметлар синфидан ажратиб кўрсатади, демак, ўз ичида мазкур синфга ишорани яққол бўлмаган ҳолатда ифодалайди. Шундай қилиб, Бобик, Қоплон, Шарик лақабларининг ҳар бири муайян бир итга тегишли, бироқ улар ит лақаблари бўлганлиги боис айнан ушбу атоқли турдош отларга ҳам ўтказиш мумкин: бобик, барбос, шарик сўзлари индивидуаллаштирувчи кучини йўқотади ва умуман исталган итни кўрсатади.

Бошқа бир томондан, тил сохиблари тилда номинатив бирликларни қўллашда муайян эркинликларга эгалар яъни, улар, одамларнинг исмини итларга, кемаларга, тайфунларга қўйиши мумкин. Масалан, Чарли, Адольф, Алекс, Чарлес, Глория.

Кўплаб тадқиқотчилар тил бирлиги сифатида атоқли отларнинг маъносининг мураккаблиги, диалектиклиги эътироф этилади (аксарарият ҳолларда сўзларнинг). Замонавий сўз назариясида сўзнинг маъноси - ҳам тингловчи ҳам сўзловчи томонидан деярли бир хил тушуниладиган сўз мазмуни тушунилади ва ўз ичига қуйидаги уч турдаги муносабатни қамраб олади:

- Денотатив – сўзнинг предметга муносабати;
- Сигнификатив – тушунчага муносабат;
- Тузилмавий – сўз маъносининг, умуман сўзнинг бу тилдаги бошқа сўзларга муносабати.

Атоқли от, тил бирлиги бўлиб — сўз ёки функционал жиҳатдан ўхшаш бўлган сўз бирикмасига нисбатан юқорида санаб ўтилган барча муносабатларга : денотатив, сигнификатив ва тузилмавий муносабатга эга, бироқ атоқли отдаги уларнинг сифати бирмунча ўзига хос бўлиб, атоқли отларга тил-нутқ ўзига хослигини таъминлайди.

III БОБ. АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ЛИНГВОМАЛАНИЯТИДАГИ ЎРНИ

3.1 Атоқли отлар лингвомаданиятнинг асосий бирлиги

Сўнгги пайтларда тилшуносликда тил фақат мулоқот воситаси сифатида эмас, миллатнинг маданий кўрсаткичи сифатида қаралувчи тадқиқотлар ҳам кўплаб олиб борилмоқда. Бу каби тадқиқотлар халқ маданиятининг энг нозик қирралаалри унинг ўзига хос ва уникал бўлган тилида намоён бўлиши тўғрисидаги тасаввурларга асосланади, Бундай ёндашувлардан келиб чиқиб, тил нафақат миллатнинг замонавий менталитетига, шунингдек олдинги давр одамларининг дунё, жамият, ва ўзлари ҳақидаги фикрларини ҳам таҳлил этишни талаб этади.

Халқ маданияти ва ўзига хос менталитетининг маълумотлар манбаси сифатида қаралган атоқли отлар тил ва маданият уйғунлашувида алоҳида аҳамият касб этади.

Атоқли отларда жуда бой ва қизиқ маълумот тўпланган бўлиши мумкин уларни ажратиб олиш атоқли отни ўрганиш аспектига боғлиқ. Атоқли отга лексикология жиҳатидан ёндашиб тилшунослар онимик материал инвентаризацияси, унинг генетик таҳлили билан шуғулланадилар. Психология нуқтайи назаридан атоқли отларни ўрганиш орқали атоқли исмларга нисбатан турли тарихий даврларда бўлган тарихий жиҳатдан қарашлар, индивидуал ва умумий қизиқишларнинг ўзагиришини кузатиш мумкин. Ижтимоий ва тарихий жиҳатлар ҳам анча муҳим ва қизиқарлидир.

Бироқ, атоқли отларни матнларда ўрганиш хусусиятларни ифодалаб, зеро айна улар бизнинг диққат марказимизда турибди, маданий ёндашувни энг самарали деб ҳисоблаймиз. У атоқли отлар муайян давр ва муайян маданият маҳсули эканлиги билан белгиланади.

Агар маданиятни Ю. М. Лотман айтганидек "мерос қилиб қолдирилмайдиган тўпланувчи, сақланувчи ва турли инсоният жамоаларга берилувчи ахборот " деб тушунадиган бўлсак, бу ерга кўплаб моддий ва

маънавий моддаларни киритиш мумкин бўлиб, атоқли отлар уларни аниқлашга ёрдам беради.

Маданият – жамият, ижодий кучлар, инсонлар қобилиятларининг тарихий белгиланган даражаси бўлиб, одамлар турмуш тарзи ва фаолият шакллари ва турларида уларнинг ўзаро муносабатларида, шунингдек яратилаётган моддий ва маънавий кадритларда ўз ифодасини топади.

Маданиятга илк илмий таъриф машъур этнограф Э. Тейлор томонидан 1871 йилда берилагн бўлиб, унга кўра: маданият – билимлар, санъат, ахлоқ-одоб, ҳуқуқ, урф-одатлар ва инсониятни ҳамда жамиятга зос бўлган бошқа хусусиятлар мажмуасидир.

Маданиятга берилган таърифлар жуда кўп. Шу ўринда битта тушунчада нима сабабдан бунча кўр таъриф берилган мазмунидаги ҳақли бир савол туғилади. Ю. М. Лотман буни термин маъноси маданият турига боғлиқ, маданиятда эса турлар кўп бўлиб, ҳар бир тур муаян даврда кескин ўзгариб боради деб изоҳлаган.

Фаншуносликдаги (фан тўғрисидаги фан) айрим замонавий олимлар қайд этишича, ижтимоий фанларда "маданият" биологиядаги "эволюция" каби фундаментал тушунча ҳисобланади.. моҳиятан маданият ҳамма нарсани қамраб олади, шу боис "маданият" тушунчаси ўз қамровига кўра ҳамма нарсани қамраб олувчи ҳисобланади.

Мазкур тушунчанинг барча мавжуд таърифларида қандайдир умумий жиҳат бор: маданият шахс, гуруҳ ва жамиятнинг ҳаётий фаолиятини тавсифлайди; у инсоният турмуш кечиришиининг ўзига хос усули; маданият ўз ичига хулқ-атвор, онг, инсоният фаолияти, буюмлар, предметлар, меҳнат куроли, тил формалари, рамзлар ва белгиларни қамраб олади.

Моддий ва маънавий маданиятни ажратиб кўрсатиш мумкин. Моддий маданият доимий равишда янги буюмларни яратади ва номланиши лозим бўлиб, улар бошқа соҳаларга, бошқа мавзудаги предметларга берилиши мумкин.

Маънавий маданият ўзидан сўнг кўплаб санъат асарлари, илмий тадқиқотлар ва бошқаларни қлдиради. Ҳар бир жамовий иқтисодий тузилма муайян турдаги маданият томонидан яратилади, ва у бир тузилмадан бошқасига ўтганда ўзагарди; бунда ўтмиш маданиятидаги қадриятлар мерос қилиб олинади. Барча маданиятшунос муаллифлар "маданият" тушунчасига ягона, барчага мос келувчи таъриф бериш имкончиз фикрини билдирадилар. Бу ўринда кўплаб шарҳлардан айримларини қўллаш мумкин. Жумладан, "маданият-маънолар ва мазкур маъноларни мустаҳкамлаш воситалари дунёсидир". Табиий тил - маданий маъноларни белгилашнинг самарали воситаси. Маданият контекстида бўлмаган тил мавжуд бўлиши мумкин эмас. Тил ва маданият ўзаро узвий боғлиқ.. Халқ маданияти ва қалбини фақат унинг тили орқали тўлиқ англаш мумкин.

Маданиятнинг бир қисми сифатида тил тўғрисида ўйланганда энг аввало ижтимоий, таълим ва касбий мавқе ҳаёлимизга келади ва шу боис у ҳар бир инсоннинг таъриф қоғозига қиёсланади. Сўз кўплар томонидан қайд этилганидек фақат маълумот бериш воситасигина бўлиб қолмай, маданий маълумотни етказиш қурилмаси ҳисобланади. Тил ва маданият алоқаси сўз конотациясини юзага келтиради. Коннотация — бу сўз билан ифодаланувчи тушунчанинг зарурий бўлмаган, бироқ ўзида муайян предмет ёки ҳодисага жамиятда берилган сўз билан боғлиқ маданий тасаввурлар ва анъаналарни ифодаловчи қатъий белгилар ҳисобланади.

Коннотация тушунчаси илк бор XIX аср ўрталарида шаклланган. Коннотация ёки турдош маънонинг 6 тури мавжуд:

- тасвирий (тасаввур);
- эмоционал-ҳиссий;
- мавзувий/семантик майдон;
- информатив (билим даражаси);
- дунёқараш

Коннотациялашган лексикангнинг асосий турларига гуруҳ терминлари ва атоқли отлар киради: зоонимлар, табиат объектлари ва ҳодисаларининг

номлари, рангномлари, антропонимлар, мифонимлар, библеизмлар, улардан антропологлар, археологлар ва маданият тарихсилари томонидан олинган маълумот. Лексик тушунча исми нинг лексик фони кенг ва мураккаб. Атоқли от лексик фони, бир омондан уни турдош отларга нисбат берса, бошқа томонидан, уни индивидуллаштирган ҳолда унга катъий кшриниш беради (Верещагин 1990).

Немис тилида шахсларга, географик объектларга, этномаданият ва этнотарихий объектларга, аниқ предметларгадоир атоқли отлар кўп.

Бадий ва маданий исмлар кенгрок маданий коннотацияларга эга. Улар ўзида бу шахслар мавжуд бўлган давр билан боғлиқ кўплаб маданий маълумотларга эга.

Исмлар тарихий нуқтаи назардан турли даражада маълум бўлган, энг юқори таъсига эга бўлган тарихий арбобларнинг номлари "энциклопедическим маънога эга бўлган", бўлиб, улар ўша давр, ўрни, хизматлари, ғалабалари ва мағлубиятлари тўғрисидаги коммуникантлардан иборат бўлган. Кўплаб тарихий шахслар бадий асарлар қаҳрамонларига айланганлар, масалан, *Wilhelm Tell*, *Don Carlos*, *Wallenstein*.

Энг машхур немис бадий асарларининг қаҳрамонлари уларнинг матнидан ажратиб олинади ва ўзига хос рамзларга айланади, масалан, *Gretchen-Margaret*, *Peter Schlemiel*.

Немис адабиётида рамз сифатида қабул қилинувчи, библиадан келиб чиққан исмлар ҳам кўплаб учраб туради: *Goliath* — 'Голиаф' (ўта кучли ва баҳайбат йигит), *Thomas dev Jjnglaubige* 'Фома Неверующий'.

Шундай қилиб, атоқли отлар яққол миллий маданий семантикага эга бўлиб, коннотиралаш лексикасига оид, чунки уларнинг маъноси тил эгаси бўлган халқ маданий тарихидан бевосита хосил бўлган.

Шундай қилиб, ономастика — тилшунослик бўлимининг бир қисми. Ономастиканинг тилшуносликка қарашли эканлиги шу билан изоҳландики, атоқли отлар— сўзлар бўлиб, ономастиканинг асосий тадқиқот усуллари аксарияти лингвистик, шунингдек унинг терминологияси асосий қисми

лингвистик ҳисобланади. Бироқ ономастикада ўзига хос терминлар тизими ҳам мавжуд.

Ономастика жамият ривож, маданият, анъаналар, халқ турмуш тарзи билан узвий боғлиқ бўлибмиллий халқ менталитетига эришида ўзига хос кадам бўлиб ҳизмат қилиши мумкин.

Атоқли отлар – ўзига хос тилшунослик категорияси. Бу алоҳида предметларни аниқ номлашга ҳизмат қилувчи тил – нутқ бирликлари. Атоқли отлар муайян предметни аниқ номлашга йўналтирилган. Атоқли отлар учун биринчи ўринда предметни ажратиш, иккинчи ўринда предметни унга ўхшаганларга нисбат бериш туради.

Функционал маънода атоқли отларда куйидаги асосий функциялар мавжуд: ижтимоий, ҳиссий, аккумулятив, дейктик (кўрсатувчи), "қаторга киритиш" функцияси, мурожаат этувчи, эстетик, стилистик.

Атоқли отлар яққол миллий маданий семантикага эга бўлиб, коннотиралаш лексикасига оид, чунки уларнинг маъноси тил эгаси бўлган халқ маданий тарихидан бевосита ҳосил бўлган.

3.2 Атоқли отлар – лингвомаданий ахборот ташувчи тил белгиси

Атоқли от инсон турли буюмларни фарқлайдиган ва уларни номлай бошлаган қадим даврларда пайдо бўлган. Бунда у ё фақловчи хусусиятлари, ёхуд аталаётган буюмнинг вазифаси, ёхуд кўзга ташланувчи белгилари ва бошқаларни белгилашга ҳаракат қилган, бошқача сўзлар билан айтганда номланаётган сўзни қасидир усул билан ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилган. Сўзнинг айни хусусияти умуман номинатив вазифани бажарувчи исм сифатида атоқли отга нисбатан алоҳида долзарбликка эга бўлади, чунки улар ихчамлаштирилган рамзий шаклда ифодаланган предмет номланиши ҳақида маълумотни ўз ичига олади. Бундан келиб чиқадики, онимларни лингвомаданий маълумотни ташувчи сифатида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ўз навбатида маданиятдаги умумий жараёнларни ва тенденцияларни акс эттиради.

Тил бирликлари сифатида онимлар қуйидаги муҳим функцияларни бажарадилар: номинатив, идентификацияловчи ва дифференциацияловчи. Айтиб ўтилган асосий функцилардан ташқари олимлар қуйидаги иккинчи даражали функцияларни ҳам ажратиб кўрсатадилар; ижтимоий, ҳиссий, кумулятив, «қаторга киритиш» функцияси, экспрессив, эстетик, стилистик.

Материал (моддий) ғоя бўлиб, оним ҳар доим ҳам изоҳлаб бўлмайдиган ва аниқ мазмуний ўқилиши мумкин бўлмаган ички мазмунига эга. Атоқли отнинг рамзийлиги ва жумбоқлилигини, халқда атоқли отнинг афсонавий кучига, унинг ўз соҳиби тақдирини олдиндан белгилаб бериш қобилиятига ишонч мавжудлиги тадқиқотчилар томонидан қайд этиб ўтилган. Бу билан атоқли отга бўлган ономасика ва ономасиологиянинг замонавий антропоцентрик йўналган тилшунослик (тилшунослик) форматида нафақат пасая бораётган, балки аксинча қайта куч билан қўзғалган қизиқиш билан изоҳланади, зеро тилшунослик ривожланишининг замонавий босқичи учун хос бўлган антропоцентрик ёндашув ониларни ўрганиш учун янги истиқболларни очиб бермоқда. Тилдаги шахс бошланмасининг лингвистик тадқиқотларнинг устувор йўналиши сифатида белгиланиши XX асрнинг 80-

90-йилларига келиб инсон назариясининг умумий маконда яратилган ва яратилаётган матнларда ўзини намоён этувчи, шу билан биргаликда дунё манзараси, дунёнинг тил манзараси, дунёнинг тил-муаллиф манзараси тушунчаларга оид тил шахси сифатида шаклланишига олиб келди.

Оним ўзида инсониятнинг энг қадимий сирлари ва жумбоқларидан бирини намоён этади, чунки атоқли исмлар соҳасида тил қонуниятлари алоҳида изоҳланади. Бундан ташқари атоқли от жамият қизиқишларидаги ўзгаришларга муносабат билдира оладиган ва жамиятда мавжуд ғоялар ва қарашларни тегишли тарзда акс эттирувчи ўзига хос маданий, вақт, этник белги сифатида хизмат қилади. У ёки бу тилдаги атоқли отлар мажмуаси аниқ бир жамият тарихий ривожланишининг турли босқичларида турлича бўлади, вакиллари алоҳида жамиятда ёки бир-биридан макон ва замон жиҳатдан узоқ яшовчи турли тилларида айрим онимлар такрорланиши мумкин. (қийёсл.: Марат – буюк Француз инқилоби даврида машҳур тарихий шахс исми ва қозоқ тилидаги эркаклар исми, Барак – Америка президентининг исми ва қозоқ султонинг исми). Бу каби бирхилликлар (мос келишлар) турли сабаблар билан изоҳланиши мумкин: тасодикий мосликлардан тортиб қандайдир шахс ёки воқеа номига шарафига атайлаб қўйилган бўлишигача. У ёки бу тил исмлар континуумининг бу каби горизонтал кесими у ёки бу даврнинг маданий, этник тил боғланиши объектив кўрсаткичи билан тан олинishi мумкин. Вертикал кесимда олинганда у ёки бу тил ономастикаси унинг ривожланиш тарихини, шунингдек, бу тил яратувчиси бўлган халқ тарихини акс эттиради. Вақт ўтган сари эскирган исмлар қайта юзага келиш ҳолатлари ҳам кузатилади. жумладан, рус исмлари ичида XX аср охири-XXI аср бошиларида XX асрнинг 30-70 йилларида ономастик континуума перифериясига ўтган Катерина, Мария, Анастасия, Дарья, Федор, Егор ва бошқ исмлар яна машҳур бўла бошлади. Қозоқ исмлари ичида мустақиллик йилларида Абылай, Шыңтыс, Нурсултан, Маокан каби исмлар машҳур бўлади ва бу омманинг бу исмлардаги машҳур тарихий шахсларга муносабатини билдиради.

Шундай қилиб, у ёки бу тилнинг ономастик муҳити биринчидан, бу тилда сўзлашувчи индивидларнинг мулоқот воситаси сифатида тил билан; иккинчидан уни яратган халқ маданияти ва тарихи, унинг бошқалар билан алоқаларига узвий боғлиқ. Бундан келиб чиқадики, атоқли отда, биринчидан, лингвистик таркибни, иккинчидан этномаданий таркибни, учинчидан, ўзида эзгу янграш белгисини қамраб оловчи эстетик таркибий қисмдан иборат. Уларнинг барчаси ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, аниқ бир онимнинг ўзига хос субъект номи сифатида ҳаракат қилиб, бошқаларда у ёки бу ассоциацияни юзага келтирувчи ўзига хос хусусиятини намоён этади. Айнан шу ассоциация (бирор тушунча билан боғлаш) бола туғилаётганда, фирма, маҳсулот номи ва бошқ. танланаётганда ном танлашга таъсир қилади. Бу айниқса бадиий қаҳрамонлар, тарихий шахслар, жамоат арбоблари ва шартли равишда “машҳур шахси” деб номлаш мумкин бўлган бошқа шахсларга, яъни шахси кенг доираларга маълум бўлган шахсларга ном танлашда муҳим аҳамият касб этади. Тилшуносликда шу муносабатдан «прецедент исм» тушунчаси киритилган.

Тил бирлиги сифатида атоқли от бириниси навбатда иккитомонлама хусусиятга эга белги ҳисобланади: англлатувчи ва англанувчи, сўнгги белгининг лексик маънодаги онимларда мавжудлиги ва қандай хусусиятга эгалиги борасида мунозарал бугунги кунга қадар давом этмоқда. Маълумки, атоқли отлар назариясида онимларда маънонинг борлиги ёки йўқлиги энг бирламчи мураккаб масалалардан бири бўлиб, оқибатда уларнинг ичида атоқли отлар маъносини чиқариб ташловчи концепциялар ҳам мавжуд. Улардан бирига кўра атоқли отлар ўз мустақил маъносидан маҳрум этилаган, (О.Ф. Есперсен, А.В. Суперанская, А.А. Уфимцева каби олимлар шу ёндашув тарафдорларидирлар. Мазкур анъанани давом эттирган ҳолда А.В. Сулова куйидагиларни қайд этган: «улар семантик (маъновий) чекланган бўлиб, ўзининг хусусий маъносига эга эмас ва тушунча ифодаламайди » [3, 3]), бошқа қарашга кўра- онимлар маъноси тугал эмас, ёки бошқа ахборот доирасида ётувчи сифатида баҳоланади, учинчисига кўра –уларнинг

мазмуний маъноси турдош отларга қараганда янада кўпроқ. Бизнинг фикримизча, атоқли отлар лексик маънога эга бўлиб, умумий доирада эса, идентификация қилувчи функцияни бажаради, яъни исм эгасини атроф муҳитда мавжуд у ёки бу объектлар гуруҳига боғлиқлигини кўрсатади ва айни вақтда уни ушбу каттадорда ажратиб кўрсатади (юқорида қайд этилганидек дифференциацияловчи функция). Шундай қилиб, Иртыш оними мазкур объект бошқаларга, масалан Енисей, Волга, Эмба ва ҳоказоларга алоқадор эканлигини намоён этади, бошқа бир томондан ариқ, кўл, сардоба каби тушунчаларга улаган. Саула исми энг умумий семантик (маъновий таркибий қисмларга эга-

1) шахснинг атоқли оти, 2) аёл жинсига мансуб шахс, 3) миллий мансублик (қозоқ). Мазкур оним аниқ бир шахснинг исми сифатида амал қилганда унинг айнан мазкур шахс билан боғлиқ бўлган қўшимча маънолар билан тўлдирилиши кузатилади (характер хусусияти, ташқи кўриниш, касб ва иш фаолияти ва бошқалар).

Кўриб турганимиздек, атоқли от тил бирлиги сифатида дунёнинг миллий манзарасини белогилловчи муайян бир фрагментларни: маданий-тарихий, аксиологик, диний ва бошқаларни англатади. Айни вақтда лингвомаданий маълумот ҳажми ҳар бир алоҳида оним учун биринчидан дунёқараш кенглиги, қабул қилаётган шахснинг тил тайёргарлик даражаси, унда “тилни сезиш” қанчалик ривожлангани билан аниқланади. Шундай қилиб тилда сўзловчи бир шахс Коза антропонимида қатъат турдош от - ‘улоқ’ маъносини тушунса, бошқа бири бу сўзда ўзининг соф севгиси туфайли золим жодугар кўлида ҳалок бўлган афсонавий йигитни туўшунади. Қозоқ тилини унинг назик қирраларини ҳам билувчи, унинг мазмуний томонига эътиборли бўлган шахс Жомарт, Бакыт, Умит, Батыр, Серік онимларида турдош отлар жомарт “сахий”, бакыт “бахт”, умит “умид”, батыр “қаҳрамон”, серік “йўлдош, оғайни” маъноларини англай олади, қозоқ тилини билмайдиган шахс эса бу сўзларда қозоқ миллатидаги ўзи улар билан мулоқот қилувчи аниқ бир шахсларни кўради ва бу сўзларни уларнинг шахсий ва иш

сифатларига боғлайди (тилни билдмасдан ҳам у ёки бу исм нимани англатиши билан қизиқиш, ва буни билиб олиш имкониятини истисно этмайди, масалан Виктор сўзи манба–тилда “ғалаба маъносини англатади”). Антропоним, Топоним (ёки бошқа атоқли отга айланиб), улар бошқа лексик-грамматик гуруҳ сўзлар билан тизимли муносабатга киришади, ўзининг апеллятив ҳаётдан мустақил бўлади, ҳамда тилда ўзининг мустақил ўрнига эга бўлади ва икиламчи номлаш манбаси ҳам бўлиши мумкин. Бироқ уни маъноси мавжуд эмас мазмунидаги фикрлар, бизнингча қонуний (асосли) эмас.

Онимнинг барча қайд этилган хусусиятлари жуда муҳим бўлиб бадиий номлашда ўзига долзарблаша бормокда, чунки бадиий коммуникациянинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда ҳар бир сўз алоҳида, контекстга боғлнк бўлган маънога эга бўлади. Атоқли отнинг бадиий матндаги функционал юки ошиб бормсоқда, боиси у бадиий образ яратишнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади (машҳур қаҳрамонларни эсланг: Молчалин, Тихон, Собакевич, Коробочка, Волчанинова ва бошқ.) Бадиий матнда атоқли от ўзида анча катта маълумот ҳажмини қамраб олади ва кўплаб махсус функцияларни бажаради: персонажнинг ижтимоий мақомини, унинг миллий мансублигини, маълумотини кўрсатади, тарихий-маданий маълумотни ўзида ифодалайди, шунингдек муаллиф ўйларини мужассамлаштиришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади ва унинг баҳосини англатади. Бу бадиий асар муаллифи персонажнинг ҳарактеристикаси сифатида англаган ҳолда унинг исми, фамилияси ёки тахаллусини танлаган ва онимни танлашга шунга мувофиқ тарзда муносабатда бўлувчи: у ўз қаҳрамонларига ўта жарангдор исмни бермаслиги мумкин, бироқ “ўз-ўзига жавоб берувчи” фамилияни келтирадиган ҳолатларда мумкин (масалан, Держиморда, Скалозуб, Тяпкин-Ляпкин каби).

Маълумки, бадиий аср бу атоқли отлар амал қилувчи алоҳида соҳа ҳисобланади, зеро унда сўзлар «реал ва тасвирланаётган ҳақиқатга (реаликка)» бориб тақалади, унинг муаллифи сўзлар ёрдамида қонунлар, реал

дунё сабабий-оқибат боғланишлар мавжуд бўлган виртуало дунёни яратади ва айни хусусиятига кўра у кутубхон томонидан англанади. Шу боис муаллиф ўз қахрамонига мутлақо фантастик ном бериши, у N шахрида яшаши мумкин, бироқ кутубхон мазкур ўйлаб топилган дунёни реалликка боғлайди ва янгитдан ассоциация сўзларини яратади, улар тўғрисида фикр юритиб, у асардаги муаллиф ифодалоҳамоқчи ғояни тушуниб етади. Психоллингвистик механизмни билгани ҳолда, бадиий коммуникация тавсифини, билгани ҳолда муаллиф ҳар бир сўзни саралаб-саралаб танлайди, уларни бир матнга боғлайди, ва мураккаб, кўпқаватли бадиий матнда атоқли отнинг функционал аҳамиятини яққол сезиб туради, барча эҳтимолий мазмуний.ю услубий ва коннотацияни яратади. Уларни тўғри қўллаш – ёзувчи маҳоратининг қафолати бўлиб хизмат қилади.

Тил тизмида ҳамда бадиий дискурда қўлланилувчи атоқли отларнинг лингвомаданий таркибий қисмлари ҳажмини қиёслаб, иккинчиси тўлароқ эканлигини айтиш мумкин, чунки у, бир томондан мавжуд бўлган онимик маълумотнинг устига қўйилади, бошқа бир тмондан муаллиф ўйларини амалга ошириш вазифалари туфайли янги маъно, мазмунга эга бўлади.

3.3 Атоқли отлар таржимасининг лингвомаданий хусусиятлари

Бугунги кунга келиб, тил ва маданият уйғунлиги муаммоси бир қанча олимлар, тилшунослар ва тадқиқотчилар диққат-эътиборини қозониб улгурди. Ушбу мавзуга доир турли хил ёндашувлар тилшуносликнинг лингвомаданиятшунослик, психоллингвистика, этнолингвистика, социоллингвистика, тарих, адабиётшунослик, таржимашунослик каби соҳаларида ўрганилиб келинмоқда. Олимлар томонидан олиб борилаётган тадқиқот ишларида тил ва маданият мутаносиблиги масалалари ёритилиб, уларнинг бир-бирига боғлиқ доимий бирликлар ёки бир-бирини тўлдирувчи муҳим компонентлар эканлиги тўлақонли исботланиб келинмоқда. Тилда маданий кадриятлар ўз ифодасини топади ва уларни халққа етказиб беришда тил асосий восита бўлиб хизмат қилади. Тил дунёнинг миллий манзарасини, халқнинг ўзига ҳослиги ва миллий маданиятини ўзида мужассам этади.

Тил ва маданият ўртасидаги ўзаро муносабат айниқса, чет тили ўқитиш жараёнида яққол намоён бўлади. Ўз она тилини ўрганиш билан бир қаторда инсон ўз миллий маданиятини аста-секин сингдириб боради, анъана ва одатларини идрок этади. Лекин, хорижий тилни мукаммал ўрганишда эса у бошқа халқнинг, бошқа миллатнинг дунёвий манзарасини англаб етади. Бугунги кунда, тил ўргатишнинг провард мақсадларидан бири ҳар бир тил ўрганувчида коммуникатив тил кўникмаларини шакллантириш ва уларнинг ижтимоий-маданий дунёқарашини бойитиш, ҳамда маданият ҳақидаги мулоқотларда баён қилинадиган фикр-мулоҳазаларнинг савиясини оширишдан иборат.

Маданиятнинг тил билан ўзаро боғлиқлигида мураккаб психоллингвистик жараёнлардан бири бўлган – таржима муҳим аҳамият касб этади. Таржима ахборотнинг асл маъносини ифодалашда лингвистик бирликларни мосини топиш ва уларни самарали қўллашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. У ўз маданиятимизнинг хорижий тил маданияти билан ўзаро муносабати ва ўзига ҳос тафоввутларини ҳамда дунёни англаш билан боғлиқ муайян когнитив жараёнларни устун қўяди.

Тил ва маданият уйғунлашувида, шунингдек, таржима жараёнида инсон беихтиёр, тилнинг муҳим лексик таркибини ташкил этувчи бирликлардан бири бўлган атоқли отларга дуч келади. Ҳар бир халқ, ҳар бир этник гуруҳ ҳар қайси даврда ўз ономастик бирликларига яъни атоқли отлар рўйхатига эга бўлади. Атоқли отлар муайян маданиятнинг муҳим концептларини намоён этишда муҳим аҳамиятга эга. Ваҳоланки, кўп ҳолатларда атоқли отларнинг оғзаки нутқда шаклланиш хусусиятлари, уларни хорижий ва она тилида етказиб бериш тадқиқотчилар, тил ўрганувчилар ва таржимонларнинг диққат марказидан четга чиқиб қолади. Бундан ташқари, уларга доир махсус адабиётлар хусусан, луғатлар, қўлланмалар, дарсликларнинг етишмаслиги мавзунинг долзарблик даражасини оширади. Таниқли тилшунос ва таржимон Д.И. Ермолович шуни таъкидлайдики, “Атоқли отлар мураккаб расмий, маъноли ва ассоциатив хусусиятлари, ҳамда тиллар ва маданиятлар ўртасидаги тўсиқларни енгиб ўтиш жараёнида инсонларга зарур бўлган билимга эга эканлиги билан характерланади.”¹

Атоқли отлар турдош отлардан фарқли ўлароқ, универсал қўлланила олиш хусусияти билан характерланади. Улар ўз навбатида, инсон тафаккурининг универсал жиҳатларини ва ўзига мос исм қўйиш заруриятини ифодаб беради.

Атоқли отлар ўзининг объектларни идентификация яъни номлаш вазифасини бажарган ҳолда, бирон нарсани баён қилишнинг ажралмас семантик ва структуравий компонентлари бўлиб хизмат қилади. Лекин, тадқиқотчиларнинг аксарияти атоқли отлар ҳеч қандай луғавий маъно англатмай, иккинчи чет тилига тўғридан-тўғри таржима қилинади деган анъанавий фикрни илгари сурганлар. Атоқли отлар масаласига қаратилган мана шундай ёндашувлар ономастика (номшунослик) соҳасига доир илмий адабиётлар сонини кўпайишига сабаб бўлди.

¹Ермолович Д.И. Имена собственные на стыке языков и культур/ Д.И. Ермолович. -М.: Издат. «Р. Валент», 2001.

Хар қандай тилда жамият тафаккури учун муҳим бўлган сўзлар мавжуд. Тилнинг луғат таркибини унинг маданий қадриятларни баён қилиш нуқтаи назаридан ўрганиш жуда муҳимдир. Бу муаммо И.А. Стернин, Ю.Д. Апресяна, А. Вежбицкой, Г.В. Елизаровой, Г.Д. Томашина, В.Г. Костомарова, Е.М. Верещагина, Н.Д. Арутюновой, В.В. Кабакчи, В.В. Красных, И. Филмора, Э. Сэпира, Дж. Палмера, Дж. Лакоффа каби олимларнинг тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган.

Тил лексикаси инсоният маданиятини ифодаловчи восита сифатида дунёнинг бир-биридан фарқ қилмайдиган халқларида акс этган муайян маданий концептуал тушунчаларни аниқлашга ва мазмун-моҳиятини очиқ беришга ёрдам беради. Атоқли отлар муайян маданиятнинг муҳим концептларини очиқ беришда катта аҳамиятга эга.

Маданий доминантлар билан бир қаторда атоқли отлар миллат маърифати ва маънавиятининг рамзи бўлиб, инсониятнинг жамиятдаги ўзига хос ўрни ва шаклланиши, унинг жамият билан бевосита ажралмас алоқаси, шунингдек, жамиятнинг инсон ҳаётига таъсирини тасвирлаб беради.

Атоқли отларнинг бир тилдан иккинчи тилга таржимаси бир мунча мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Сабаби шундаки, атоқли отлар миллатнинг миллий маданияти ҳақида ахборот ташувчи сифатида ўз хусусиятларига эга, жумладан, улар иккинчи мажозий маънога ҳам эга бўлишлари мумкин. Бундан ташқари, атоқли отларнинг ўзига хос семантик структуралари таржима жараёнининг мураккаблигини белгилаб беради.

Атоқли отларнинг таржима муаммоси қуйидаги жиҳатлар билан тадқиқ қилинади: биринчидан, уларнинг референтилиги нуқтаи назаридан, иккинчидан, уларнинг номинатив ва коннотатив аспектлар билан боғлиқлиги билан, учинчидан, маданиятлараро алоқа нуқтаи назаридан.

Т.А. Казакова атоқли отлар таржимасининг лексик усулларини алоҳида таъкидлаб ўтади. Атоқли отларнинг асосий вазифаси индивидларни идентификациялаш бўлиб, улар таржима жараёнида ўз вазифасини бажариш билан бир қаторда контекстга тобе бўлмаган қиёсий автономлар бўлиб

иштирок этади. Атоқли отлар шуниси билан аҳамиятлики, улар таржима қилинаётган матнни турли хил йўналишлар билан кучайтириб бера олиш қобилиятига эгадир. Уларни қайси йўл билан чет тилига таржима қилиш таржимоннинг танловига боғлиқ. Атоқли отларнинг мана шундай икки тарафлама хусусияти, уларга ностандард тил бирликлари сифатида ёндашишни тақозо этади. Ана шундай ҳолатларда, таржимондан таржима қилинаётган тилда махсус таржима усуллари яратиш зарурияти талаб этилади.¹ Асосан, қуйидаги таржима йўллари кенг фойдаланилади: транскрипция, транслитерация, семантик модификация, тасвирлаш, калькалаш ва шарҳлаш.

Бугунги кунда атоқли отларнинг аксарият қисми иккинчи чет тилига график воситалари ёрдамида яъни транскрипция усули билан таржима қилинмоқда. Транскрипция бир тилдаги сўзларни талаффуз оҳангини сақлаб қолган ҳолда иккинчи тилга таржима қилиш усулидир. Транскрипциянинг муқаррар қийинчилиги турли тилларда мавжуд фонемалар қаторининг бир-бирига мос тушмаслиги билан белгиланади. Транскрипция усулини бир томондан таржимадан, иккинчи томондан транслитерациядан фарқлай билиш лозим. Транскрипсия, таржима ва транслитерацияга хос бўлган умумий хусусияти уларнинг бирон-бир тилдан олинган сўзларни ўзлаштириладиган тилга етказиб берувчи восита бўлиб хизмат қилишида намоён бўлади. Фарқли томони ушбу таржима жараёнида қўлланилган воситалар билан ифодаланади.

Инглиз тилидаги атоқли отларни транскрипция усули билан таржима қилиш, содда жиҳатлар билан боғлиқ бир қанча мураккабликларни келтириб чиқаради. Биринчидан, инглиз тилидаги атоқли отлар транскрипциясида мавжуд фонемалар қатори ўзбек тилида мавжуд эмас. Масалан, “th” ҳарф бирикмасининг [θ] ва [ð] фонемалари (Масалан, Elizabeth [ə'lizə'be:θ] – Элизабета), бундан ташқари, бир-бирига қарама қарши қўйилувчи чўзиқ ва

¹ Казакова Т.А. Практические основы перевода / Т.А. Казакова. - СПб, 2002. - с.51-52.

киска унлилар ўзбек тилида мавжуд эмас, [æ] фонемаси (Масалан, Westminster Abbey [ˈæbi] – Вестминстр Аббатлиги) ҳам ўзбек тилида учрамайди. Иккинчидан, қадимги инглиз тили орфографиясининг ривожланиши талаффузнинг сезиларли даражада ўзгаришига сабаб бўлди. Сўзларда талаффуз қилинадиган ва қилинмайдиган ҳарф ва ҳарф бирикмаларининг кўпайиш ҳолатлари кузатилди.

Атоқли отларнинг кўпгина қисми ўзбек тилига анча йиллар илгари кириб келган бўлиб, улар асосан, тарихий, диний, фольклор, мифологик ва адабиётларга тегишли исмлар ва номлардан иборат. Лекин, транскрипция қилиш жараёнида уларнинг ҳаммаси замонавий тил меъёрларига сом келган ҳолда ўқилади ва ёзилади.

Атоқли отларнинг қуйидаги гуруҳлари транскрипция ва транслитерация усуллари ёрдамида таржима қилинади: антропонимлар (инсон исмлари), қисқартирилган исмлар, таҳаллуслар, фамилиялар, топонимлар, астронимлар, хоронимлар, этнонимлар, мусиқа чолғу асбоблари номлари, ҳайвонларнинг лақаблари, ташкилотлар, муассасалар, китоблар, кинофилмлар, журналлар, космик кемалар, фирмалар, компаниялар номлари ва бошқалар.

Баъзи атоқли отларни бошқа тилда беришда транскрипция ва транслитерация усуллари қўлланилганда, бир вақтнинг ўзида уларга кўшимча тарзда бошқа таржима усулларида ҳам фойдаланишга тўғри келади. Буларга семантик ва калькалаш усуллари мисол бўла олади. Масалан, Амир Темур – Amir Temur, Temurlane, Temur the Great кўринишларида берилиши мумкин.

Тил бирликларининг жумладан, атоқли отларни таржима қилишнинг яна бир кенг тарқалган усули калькалаш бўлиб, унда товушлар эмас, балки сўзлар ёки сўз бирикмаларининг таркибий комбинаторлари қайта тикланади. Калькалаш усулида сўзларни ташкил этувчи қисмлар (морфемалар) ёки фразалар (лексемалар) таржима қилинаётган тилда мавжуд мос келуви тил унсурлари билан таржима қилинади.

Сиёсий, илмий ва маданий соҳадаги сўз бирликларининг аксарият қисми калькалаш усули билан таржима қилинади. Масалан,

Ҳукумат раҳбари – Head of the government

Олий суд – Supreme Court

Бош вазир – Prime Minister

Тоғ, денгиз, кўллар ва бошқа табиатда мавжуд жойларнинг географик номлари таркибида таржима қилинадиган компонентлар мавжуд бўлса, улар ҳам калькалаш йўли билан таржима қилинади:

Orange River – Сарик дарё

White Sea – Оқ денгиз

Rocky mountains – Қояли тоғлар, Роки тоғлари

South China Sea – Жанубий Хитой денгизи

Атоқли отлар таржимасининг калькалаш, транслитерация, транскрипция ёки аралаш усуллари одатда, луғатларда берилади. Лекин, аксарият ҳолларда, айниқса тарихий-маданий исмлар, камдан-кам учрайдиган географик номлар, янги атамалар таржимасида таржима усулининг танланиши таржимон зиммасига юклатилади ва ундан мустақил қарор қабул қилиш талб этилади.

Тиллараро ва маданиятлараро муносабатларда ва хаттоки, халқлар орасидаги ўзаро алоқаларда атоқли отлар таржимаси муаммоси анчадан бери тадқиқ қилиниб келинишига қарамасдан ўз долзарблигини сақлаб қолган. Атоқли отлар таржимасининг мураккаблиги ва камчиликлари ҳам субъектив (таржимоннинг тилни мукамал билиши ва умуммаданий билимларга эга бўлиши) ҳам объектив (атоқли отларнинг тилда ва оғзаки нутқда шаклланиш хусусиятлари) сабаблар билан боғлиқ. Атоқли отларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда юзага келадиган муаммолар ечимини топиш таржимондан юксак моҳорат талаб этади. Бу ўз навбатида, тиллар ва маданиятлараро самарали ва муваффақиятли муносабатларни таъминлаб беришга хизмат қилади.

3 боб бўйича хулоса

Бугунги кунда кенг тарқалган “ўзаро маданий алоқалар”, “лингвомаданият”, “лингвомаданиятшунослик” ва “тил ва маданият мутаносиблиги” каби тушунчалар билан биргаликда “маданият”нинг концептуал майдони ҳамда “маданият” сўзининг ўзи унинг долзарб масалаларини ҳал қилишдан кўра мураккаброкдир. “Ўзаро маданий алоқалар” атамасининг ўзи “маданият” сўзидек энг юқори даражадаги моҳиятни англатмасада, дунёни бутунлай турлича қабул қилувчи ва тушунувчи турли хил маданият вакиллари ўртасидаги ўзаро мулоқот даражасидаги маъно–мазмунга эга. П.Н.Донец фикрига кўра, ўзаро маданий алоқалар ва лингвомаданият нуқтаи назаридан, уларнинг энг катта потенциали маданиятнинг қуйидаги учта йирик муайян факторлар ташкил этади: воқеа–ҳодиса, макон (мамлакатлар, шаҳарлар, шаҳар туманлари, кўчалар ва ҳаттоки бинолар) ва шахслар (ҳақиқий ва ҳаёлий).¹

Халқлар ўртасидаги ўзаро маданий алоқалар жараёнида ва ҳар қандай матн ёки нутқларда катта миқдордаги маданий концептлар жумладан, атоқли отлар – топонимик ва антропонимик отлар кўп учраб туради. Улар маданиятнинг асосий бирликларидан бири бўлиб, муайян халқнинг буюк тарихи, турмуш тарзи, бетакрор урф–одатлари, ер юзидаги бошқа ҳеч бир халқда учрамайдиган ижодий фазилатларини тасвирлаб берувчи асосий восита бўлиб ҳизмат қилади. А.В.Суперанцкая назми билан айтганда, ҳар бир атоқли от учун унинг қайси маданият турида, қайси мамлакатда ва албатта, қайси тилда пайдо бўлгани ва шакллангани муҳим ҳисобланади.² Ушбу маҳсус тил бутунлиги ўз таркибига қўшимча тарзда антропонимлар ва уларнинг муносиб шаклланиши ҳақидаги назарияларни қўшиб, инсон маданият контекстида яшайди деган фикрни қўллаб қувватлайди.

Тил ва маданият уйғунлашувида атоқли отлар алоҳида аҳамиятга эга. Дунёнинг миллий манзарасини ифодалаб берувчи маданий компонентлар –

¹ Донец П.Н. Теория межкультурной коммуникации: специфика культурных смыслов и языковых форм. – Автореферат дис. ... док.филол.наук. – Волгоград, 2004. -30с.

² Суперанская А.В., Подольская Н.В. Васильева Н.В. Общая терминология. Терминологическая деятельность. –М. 2005. -26 с.

сўзлар ва сўз бирликлари биринчи навбатда – атоқли отлардир. Тилнинг ҳар қандай бирлиги бир вақтнинг ўзида маданиятнинг ҳам бирлигидир. Шундай экан, тил белгилари маданият белгилари шунингдек, маданиятнинг асосий хусусиятларини тасвирловчи восита сифатида ҳизмат қилади. Айнан шунинг учун тил ўз таркибидаги бирликларнинг маданий – миллий жиҳатларини намоиш қилиш имкониятига эгадир.

Атоқли отларнинг ўзига хос хусусиятлари географлар, этнографлар, тарихшунос ва тилшунос олимларнинг диққат–эътиборини, айниқса номшунослик (ономастика) соҳасида жалб қилиб улгурган. Атоқли отлар ўзининг семантик доирасида маданий-тарихий, миллий-этник географик маъно-мазмун тарқатувчи ахборот воситаси ҳисобланади. Улар одамларни, ҳайвонларни, географик жойларни, шунингдек, моддий ва маънавий маданиятнинг турли хил кўринишларини номлаш учун ҳизмат қилади. Бу эса, тил ва маданият ўртасидаги алоқаларни яратишда, илмий-техникавий ва бадиий матнлар таржимасида ҳамда оғзаки алоқа жараёнида атоқли отларнинг муҳим ўрнидан далолат беради. Икки тил линвомаданиятида атоқли отларнинг таҳлили тилнинг бевосита тарих, тарихий маданият ва тарихий маънавият билан ўзаро боғлиқлик даражасини кўрсатади. Ўз навбатида бу атоқли отларнинг тилшунослик билан бир қаторда жамиятнинг бошқа соҳаларидаги кенг қўламли иштирокини тақозо этади.

Атоқли отлар ҳар қандай тил лексикасида муҳим ўринга эга, ҳамда улар тил лексикасининг анчагина қисмини ташкил этади. Тил бирликлари орасида атоқли отлар – сўз ва сўз бирликлари объектларни номлаш ва уларни бир–биридан ажратиш туриш каби вазифалари ҳамда индивидуализация ва идентификация тамойиллари билан алоҳида аҳамиятга эга. Улар маданият компонентлари сифатида тил орқали дунёнинг илмий, маданий ва миллий манзарасини тасвирлайди.

Олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тил ва маданият деярли битта бирликни акс эттириши

тавсифлаб берилиб, тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати тўлақонли исботлаб берилган.

Хулоса ўрнида, тилда маданий қадриятлар ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, тилда миллатнинг ўз–ўзини англаши, миллий маданияти ва дунёнинг миллий манзараси мужассамлашади. Атоқли отлар инсонларнинг бир–бири билан ўзаро мулоқотга киришиши ва тушуниши учун муҳим бирлик ҳисобланиб, тиллар ва маданиятлар ўртасидаги кўприк вазифасини ўтайди.

ХУЛОСА

Кўплаб олимларнинг тадқиқотларида тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати тамоман исботланган ҳамда энг муҳими, тил ва маданият деярли битта бирликни акс эттириши тавсифлаб берилган. Тилда маданий қадриятлар ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, тилда миллатнинг ўз-ўзини англаши, миллий маданияти ва дунёнинг миллий манзараси мужассамлашади.

Мазкур илмий тадқиқот ишида тил ва маданият ўртасидаги ўзаро муносабат яъни уларнинг бир-бирисиз мавжуд бўла олмаслик шартлари ўз ифодасини топди. Уларнинг ҳар иккисининг бир-бирини тўлдириб турувчи функцияси тилшуносликнинг лингвомаданиятшунослик соҳаси доирасида тадқиқ қилиниб, яна бир бор илмий исботланди. Маданиятнинг тилда акс этишининг асослаб берилиши, тадқиқот ишининг мазмун-моҳиятини очиб бериш учун хизмат қилади.

Тақдим этилаётган илмий тадқиқот ишида тилшуносликнинг энг мураккаб ва турли-туман долзарб муаммоларга бой соҳаларидан бири лингвомаданиятшунослик ва унинг атоқли отлар билан боғлиқ масалалари тадқиқ қилинди. Тил ва маданият ўртасидаги ўзаро муносабати шунингдек, уларнинг ҳар иккисини боғлаб турувчи атоқли отларни тадқиқ қилиш жараёнида вужудга келадиган қийинчиликлар ҳозирги кунгача тилшунос олимларнинг тинимсиз изланишларига сабаб бўлмоқда.

Атоқли отлар ҳар қандай тил, жумладан, инглиз ва ўзбек тиллари лексикасида муҳим аҳамият касб этади, ҳамда улар тил лексикасининг анчагина қисмини ташкил этади. Тил ва маданиятнинг уйғунлашувида, хусусан, таржима жараёнида инсон албатта, атоқли отларга дуч келади. Тил бирликлари орасида атоқли отлар – сўз ва сўз бирикмалари объектларни номлаш ва уларни бир-биридан ажратиб туриш каби вазифалари ҳамда индивидуализация ва идентификация тамойиллари билан алоҳида аҳамиятга эга.

Тиллараро ва маданиятлараро муносабатларда ва хаттоки, халқлар орасидаги ўзаро алоқаларда атоқли отлар муаммоси анчадан бери тадқиқ қилиниб келинишига қарамасдан ўз долзарблигини сақлаб қолган. Атоқли отларнинг мураккаблиги ва камчиликлари ҳам субъектив (таржимоннинг тилни мукаммал билиши ва умуммаданий билимларга эга бўлиши) ҳам объектив (атоқли отларнинг тилда ва оғзаки нутқда шаклланиш хусусиятлари) сабаблар билан боғлиқ. Атоқли отларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда юзага келадиган муаммолар ечимини топиш таржимондан юксак моҳорат талаб этади. Бу ўз навбатида, тиллар ва маданиятлараро самарали ва муваффақиятли муносабатларни таъминлаб беришга хизмат қилади.

Номсиз хес нарса бўлмайди. Инсон учун ном энг азиз ва мўътабар саналади. Зеро, у шу билан кишиларни кишилардан, объектларни бошқа объектлардан фарқлайди. Шу маънода, атоқли отларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти беқиёсдир. Ўзбек ва инглиз тилида мавжуд атоқли отлар узок ўтмишдан, турли тарихий воқеалар гувоҳи сифатида бизгача етиб келган. Атоқли отлар халқнинг турмуш тарзи, тарихи, маданияти, урф-одатлари ва фақатгина ўзига хос бўлган жиҳатларини ўзида акс эттиради.

Маданиятнинг контекстда ифодаланишида психолингвистик ва социолингвистик жараёнлардан бири бўлган – таржима муҳим аҳамиятга эга. Тақдим этлаётган магистрлик диссертациясида инглиз ва ўзбек лингвомаданиятида мавжуд атоқли отларни икки тилда таржима қилиш масалалари ва усуллари ўрганилди. Шунингдек, атоқли отларни таржима қилиш жараёнида уларнинг лингвомаданий хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда бошқа тилда берилиши масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Таржима шуниси билан муҳимки, у орқали асосий маълумотни етказиб беришда қўлланилаётган лингвистик воситалар яққол намоён бўлади. Таржима жараёни дунёда мавжуд турли халқларнинг турли маданиятини бир хил қабул қилишни тақозо этади. Бу айниқса, икки хил тиллар оиласига мансуб тиллар ўртасидаги муносабатларда жуда долзарб ҳисобланади.

Шундай экан, бир-бирига қардош бўлмаган икки тил маданиятини етказиб беришда таржимондан юксак маҳорат талаб этилади.

Шу нуқтаи назардан, таржима ва хорижий тилларни ўрганишнинг амалий ва назарий асослари ономастик лексик бирликларга атрофлича ёндашиш ва уларга алоҳида эътибор қаратилиши жоиз деб ҳисобланади. Бу айниқса, атоқли отларнинг қиёсий-типологик таҳлили доирасида долзарб бўлиб, уларни тадқиқ қилиш қиёсланаётган ҳар бир тилдаги атоқли отларнинг муайян хусусиятларини намоён этиш билан биргаликда, бутун инсониятнинг тафаккур қонуниятлари оламига кириб боришга мажбур этади.

Магистрлик диссертацияси назарий ва амалий қисмлардан иборат бўлиб, унинг назарий қисмида тилшунос олимларнинг, лингвомаданиятшуносларнинг ва ономастик олимларнинг фикрларига таянилди. Диссертациянинг амалий қисмида илмий назарияларга асосланган ҳолда атоқли отлардан мисоллар келтирилиб мустаҳкамланди. Ўзбек ва инглиз тилларида мавжуд баъзи атоқли отлар лингвомаданий ва қиёсий таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра атоқли отларнинг лингвомаданий хусусиятлари улар англатувчи маъноларда ўз аксини топади деган хулосага келинди.

Юқорида баён этиб ўтилган хулосалар илмий изланишларнинг ёққол натижасидир. Магистрлик диссертациясида ана шу илмий изланишларга асосланган ҳолда, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ҳамда “Инглиз тили ва маданиятининг Лонгмен луғати”даги баъзи атоқли отларнинг қиёсий лингвомаданий хусусиятлари таҳлил қилинди. Тадқиқот ишининг хулосасига таҳлил натижалари илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек ва инглиз тилшунослигида ҳамда маданиятшунослигида атоқли отлар лингвомаданий ахборот ташувчи сифатида ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда, ҳар икки тил эгаларининг маданияти, ҳаёт тарзи, тарихи, менталитети, ижтимоийлашув жараёнларининг хилма ҳиллиги уларнинг атоқли отларга бўлган муносабатини белгилаб беради. Ўзбек халқи ном

танлашда унинг ҳар бир жиҳатини айниқса, қандай маънога эғалигини инобатга олса, инглиз миллати учун эса унинг қандай маъно англатиши унчалик муҳим эмас. Масалан, ҳеч қандай маънога эға бўлмаган Си, Би, Чак, Браун каби исмларнинг шунчаки чиройли талаффузи учун одамларга қўйилиши фикримизнинг яққол далилидир. Ўзбек халқи учун эса ном жуда азиз саналиб, унинг келиб чиқиш тарихи, кимлар томонидан қўлланилганлиги, одамлар орасида оммалашув даражаси, хаттоки, у номланган объект, предмет ёки индивиднинг қандай фазилатларга эға бўлганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

SUMMARY

It is commonly accepted that language is a part of culture, and that it plays a very important role in it. Some social scientists consider that without language, culture would not be possible. Language simultaneously reflects culture, and is influenced and shaped by it. In the broadest sense, it is also the symbolic representation of a people, since it comprises their historical and cultural backgrounds, as well as their approach to life and their ways of living and thinking. Brown (1994) describes the two as follows: ‘A language is a part of a culture and a culture is a part of a language; the two are intricately interwoven so that one cannot separate the two without losing the significance of either language or culture.’ In a word, culture and language are inseparable.

Presented research work is devoted to the study and the analysis of Uzbek and English proper nouns in the field of linguaculture. Moreover, in our dissertation we investigated the role of proper nouns mainly the influence of culture to their existence. The linguacultural peculiarities of a number of Uzbek and English proper nouns are studied in our research work.

Research work consists of theoretical and practical parts. The theories of linguists such as A.A.Abdurazizov, U.K.Yusupov, V.A. Maslova, V.F.Gumboldt, V.V.Vorobev, E.A.Begmatov, A.V.Superanskaya and etc. are used in the theoretical part of dissertation. The practical part of dissertation are based on some proper nouns that exist in Uzbek and English. The results of analysis of linguacultural peculiarities of proper nouns taken from “The Dictionary of English culture and language” and “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” are presented in the appendix part of dissertation.

Some scientists mention that language is the mirror of culture, in the sense that people can see a culture through its language. Another metaphor used to symbolize language and culture is the iceberg. The visible part is the language, with a small part of culture; the greater part, lying hidden beneath the surface, is the invisible aspect of culture. This author’s understanding of language and culture is conveyed through the following three new metaphors.

From a philosophical view:

language + culture => a living organism

flesh blood

Language and culture makes a living organism; language is flesh, and culture is blood. Without culture, language would be dead; without language, culture would have no shape.

From a communicative view:

Language + culture => swimming (communication)

swimming skill water

Communication is swimming, language is the swimming skill, and culture is water. Without language, communication would remain to a very limited degree (in very shallow water); without culture, there would be no communication at all.

From a pragmatic view:

language + culture => transportation (communication)

vehicle traffic light

Communication is like transportation: language is the vehicle and culture is traffic light. Language makes communication easier and faster; culture regulates, sometimes promotes and sometimes hinders communication. In a word, language and culture, as different as they are, form a whole.

Many linguists explore the relationship between language and culture. Nida (1998) holds the view that 'Language and culture are two symbolic systems. Everything we say in language has meanings, designative or sociative, denotative or connotative. Every language form we use has meanings, carries meanings that are not in the same sense because it is associated with culture and culture is more extensive than language.'

The following tasks are set to investigate the actuality of the research work:

- to study the relations and interactions between culture and language;
- to define the importance of theories based on interaction of culture and language;

- to analyze theoretical basis of linguaculturology which is the field of linguistics that study interaction between culture and language;
- to adjust the tendencies of investigating proper nouns as sign of language;
- to analyze the principles of studying proper nouns in the field of onomastics;
- to elucidate the problem of classification of proper nouns;
- to identify the role of proper nouns in linguaculturology;
- to analyze linguacultural peculiarities of some English and Uzbek proper nouns;
- to investigate the linguacultural peculiarities of translating proper nouns

The subject of research work is Uzbek and English proper nouns and object is linguacultural peculiarities of proper nouns.

The linguacultural and comparative peculiarities of Uzbek and English proper nouns are presented in the dissertation. According to the results of analysis we came to the following conclusion that linguacultural peculiartires of proper nouns that exist in two languages are reflected in their meaning.

To sum up, proper nouns play an essential role as a main means to transform linguacultural information in correlated languages and their culture. Furthermore, the differences between culture, life style, history, mentality, the process of socializing of both language carriers mark their attitude to proper nouns. Uzbek people pay attention to every aspects of nominating while selecting the names, whereas it is less important the meaning of names for English people. For instance, the names such as C, B, Chuck, Brown with just beautiful pronunciation that don't have any meaning is the evidence for our conclusion. Uzbek people appreciate the proper nouns specifically, the value of their history, the usage background, the level of being common in society, even the object, subject or individual and his/her features that possessed that name.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т. Ўзбекистон, 1992. –Б 71.
2. Gardiner A.N. The theory of Proper Names. A controversial essay. London. 1957. -28p.
3. Ажеж К. Человек говорящий. Вклад лингвистики в гуманитарные науки. Перевод с французского. 2003. 304с.
4. Беленькая В.Д. Очерки англоязычной топонимики - М.: Высшая школа, 1977 -227с.
7. Белецкий А.А. Лексикология и теория языкознания (ономастика). –Киев, Издательство Киевского Университета, 1972. -208с.
8. Бондалетов В.Д. Ономастика и социоллингвистика. / В.Д. Бондалетов. // Антропонимика. –М., Наука, 1970. –200с.
9. Введенской Л.А. От собственных имен к нарицательным. –М. 1989. -143с.
10. Вежицкая А. Язык. Культура. Познание. –М. Русские словари, 1997. -416с.
11. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. М.: Высш. шк. 1990. -320 с.
12. Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании / С.Г.Воркачев // Филологические науки.-2001.-№1.
13. Воробьев В.В. Лингвокультурологическая парадигма личности. М., 1996

14. Воробьев В.В. Лингвокультурология: теория и методы. – М.: Изд-во Рос. ун-та дружбы народов. 1997. – 331с
15. Гиляровский Р.С. Ономастика-особая лингвистическая наука. – М. 1989. -300с.
16. Донец П.Н. Теория межкультурной коммуникации: специфика культурных смыслов и языковых форм. – Автореферат дис. ... док.филол.наук. –Волгоград, 2004. -40с.
17. Дўсимов З., Тиллаева М. Топонимика асослари. –Т. 2002. –Б. 88.
18. Дўсимов З., Тиллаева М. Жой номларининг сири. –Хива, Хоразм Маъмун Академияси, 2001. –Б. 275.
19. Ермалович Д.И. Имена собственные на стыке языков и культур. –М. 2002. –176с.
20. Ермалович Д.И. Имена собственные: теория и практика межъязыковой передачи. –М. 2005. -266с.
22. Жучкевич В.А. Общая топонимика - Минск, 1980. - 288с.
24. Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. 2002. 254с.
25. Катермина К.Д. Личное имя собственное: национально-культурные особенности финиширования (на материале русского и английского языков): дис. ...канд. филолог. наук. Краснодар, 1998.
26. Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология. М., 2002. – 284с.
27. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. –Т. 2005. –Б. 300.
28. Қораев С. Топонимика. –Т. 2006. –Б. 276.

29. Леонович О.А. В мире английских имён - М.: ООО "Издательство АСТ". -2002.- 160с.
30. Лотман Ю.М. Семиосфера. С.-Петербург. "Искусство-СПБ". 2000. 704с.
31. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: "Академия", 2001.-208с.
32. Мацумото Д. Психология и культура 2003. -720с.
35. Никонова В.А. Имя и общество. –М. 1974. -280с.
36. Рождественский Ю.В. Введение в культуроведение. М., 2000. -288с.
37. Рыбакин А.И. Словарь личных имен - М., 2000. - 224с.
38. Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. –М., 1973. -372с.
39. Суперанская А.В. Ономастика. Типология. Стратиграфия. М., 1988. С. 9.
40. Суперанская А.В. Структура имени собственного - М.: Наука, 1969. - 207с.
41. Суперанская А.В. Языковые и внеязыковые ассоциации собственных имен // Антропонимика. М., 1970. С.7-17.
42. Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. –М., 1973. -372с.
43. Суперанская А.В. Что такое топонимика? –М., 1985. -365с.
44. Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология. Терминологическая деятельность. –М. 2005. -288 с.
45. Тхорик В. И. Лингвокультурология и мужкультурная коммуникация. –М. 2006. -260с.
46. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2006.

47. Хроленко А.Т. Основы лингвокультурологии. М., “Флинта”, 2004. – 184с.
48. Хроленко С.С. Лингвокультуроведение. Учебные пособие. Курск. 2000. – 165с.
49. Юсупов Ў.Қ. Инглиз ва Ўзбек тилларининг чоғиштира лингвистикаси. – Т. “Академнашр”, 2013. – 288б.

Луғатлар:

1. А. Мадвалиев таҳрири остида Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006.
2. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. –Н., 2006.
3. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. Т., “Ўқитувчи”. 1977.
4. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Т., 1988.
5. Мирзаев Т., Эшонқул Ж., Фидокор С. “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати. Т., “Elmus-Press-media”. 2007.
6. Аракин В.Д. Англо-русский словарь. – М., 1997.
7. Галперин.И.В. Большой англо-русский словарь. – М., 1972.
8. Longman Dictionary of English Language and Culture. New Edition. Pearson. 2000.
9. Macmillan English dictionary. – L., 2004.
10. Online Longman Dictionary of Contemporary English
11. Oxford Wordpower Dictionary. – Oxford. 1963.
12. The Oxford - Duden Pictorial English Dictionary. – М., 1995.
13. Новый большой англо-русский словарь. – М., 1993.

ИЛОВАЛАР

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги баъзи атоқли отларнинг лингвомаданий хусусиятларининг таҳлили

Акбар	Эркаklar исми; араб тилидаги “энг катта” сўзидан кириб келган бўлиб, “энг улуғ, улкан, катта” деган маъноларга эга
Ақида	Хотин-қизлар исми; араб тилидан кириб келган бўлиб, “эътиқод, ишонч, тушунча” каби маъноларда турдош от ўрнида ишлатилади; эътиқодли ва ишончли, эътиқод ва ишончи мустаҳкам инсон маъносида атоқли от ҳисобланади
Алпомиш	Машҳур ўзбек халқ достони номи; достондаги ғайритабиий куч-қуввати, мардлиги, жасорати ва шу каби фазилатлари билан ажралиб турадиган қаҳрамон; эркаklar исми; “алп” - курашчи, жангчи каби маъноларни ўзида мужассам этган; ўзбек халқи ўғил фарзандига Алпомишдек енгилмас, ботир, паҳлавон бола бўлсин деган ниятда ушбу исмни қўяди
Анвар	Эркаklar исми; араб тилидаги “энг нурли” сўзидан клиб чиққан атоқли от; нур сочувчи, ёруғ, порлок каби маъноларга эга
Андижон	Жой номи; Ўзбекистон вилоятларидан бирининг номи; Андижон вилоятининг маркази; шаҳар номи; унинг Андиян, Андикон, Андукон каби қадимий шакллари мавжуд бўлиб, Бобур асарларидан бошлаб Андижон деб ёзиб келинади; ривоятларга кўра, бир хон бу шаҳарда рафиқаси қолиб кетганидан “Анда қолди жоним менинг” деганидан шаҳар шундай ном

	олган; “олти жон” – “олти киши” деган маънога эга; афсоналарга қараганда Афрасиёб ҳокимининг қизи Андижон номи билан боғлиқ; “Анди” деган турк қабиласи номи, “кан” эса “қишлоқ” яъни “андилар қишлоғи” деб изоҳланади
Арслон	Мушуксимонлар оиласига мансуб баҳайбат йиртқич ҳайвон; унинг қўчма маъноси турдош отдан атоқли отга ўтади; эркаклар исми; баҳодир, забардаст, довюрак одамларга нисбатан қўлланилади
Асад	Эркаклар исми; ўн икки бурждан бирининг номи, Саратон ва Сунбула буржлари ўртасида жойлашган; араб тилидан “арслон, шер” маъноларга эга; арслондек довюрак бўлсин деб ўғил фарзандга бериладиган исм
Ахборот	Радио эшиттириши, телевидения кўрсатувида махсус информацион дастурнинг номи; вақти-вақти билан чиқиб турадиган баъзи тўпламларнинг номи; иш, воқеа-ҳодисалар ҳақида тушунча берувчи хабар маълумот
Даврон	Эркаклар исми; унинг турдош отдаги маъноларидан атоқли отга айланган; фароғатли ҳаёт, турмуш; хуррамлик; бахтли фурсатлар каби маънолари мавжуд; ана шундай фазилатли турмушда яшасин деган маънода инсонлар томонидан атоқли от сифатида қўлланилади
Даракчи	Газета номи; аслида, дарак хабар олиб келувчи ёки етказувчи маъносидаги турдлш от бўлиб, рўзнома ушбу вазифаларни бажаргани учун шу номни олган;

Дилхирож	Ўзбек халқ куйларидан бирининг номи; форс тилидан кириб келган бўлиб, “қалбни тирновчи, юракни эзувчи” деган маъноларни англатади
Мархабо	Хотин-қизлар исми; араб тилидаги хуш келибсиз сўзидан олинган; Марҳамат аёллар исми билан бир хил маънога эга
Марҳамат	Жой номи; Андижон вилоятидаги туман номи; хотин-қизлар исми; араб тилидаги “раҳм-шафқат, раҳмдиллик; ачиниш; илтифот” сўзларидан олинган бўлиб турдош от вазифасини бажаради; аёлларга ўзида илтифотли, ҳимматли, раҳм-шафқатли бўлсин деган маънода атоқли от сифатида қўйилади; жой номи сифатида таклиф ёки розилик билдирувчи сўзнинг кўчма яъни “Хуш келибсиз” маъносида қўлланилади
Маъсум	Эркаklar исми; араб тилидаги “сақланган, дахлсиз, гуноҳсиз, пок” сўзларидан олинган бўлиб, бегуноҳ, пок, тоза, номусли одам деган маъноларда атоқли от бўлиб ишлатилади
Маъсума	Хотин-қизлар исми; Маъсум эркаklar исмининг аёлларга қўйиладиган шакли; оилада қиз фарзанд дунёга келса бокира, бегуноҳ, пок, ифбатли аёл бўлсин деган мақсадда қўйилади
Наманган	Жой номи; Ўзбекистон вилоятларидан бирининг номи; Наманган вилоятининг маркази; А.Вамберн Наманг “маржон” сўзи билан боғлаб, “маржон кони” деб изоҳлайди; А.Жувонмардиев Намий гон сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “азиз ва номдор кишилар шахри” деган фикрни билдиради; Х.Хасанов Намакгон сўзидан “шўр сув,” “минерал

	сув”, “мойли сув” (эхтимол нефть) деб изоҳлайди; номнинг биринчи қисми “намак” сўзи билан боғланиб, “шўрлоқ, ботқоқлик, шўр ер” деган маънони билдиради; топонимнинг иккинчи қисми “кант”-“қишлоқ” сўзи билан алоқадор; Наманган асли Намаккант бўлиб, “шўрлоқдаги ботқоқликдаги қишлоқ” деган маънони ангдатади
Пахтакор	Жой номи; кўча номи; Тошкентдаги метро бекат номи; Ўзбекистон футбол жамоаси номи; турдош от сифатида чигит экиш билан шуғулланувчи, пахта етиштирувчи киши деган маъноларга эга; Ўзбекистонда пахта саноати пахтакорлар туфайли ривожланган деган маънода уларнинг номи шарафланиб, атоқли от бўлиб хизмат қилади
Пахтачи	Жой номи; кўча номи; илгари турдош от сифатида пахта тозалаш ва пахта савдоси билан шуғулланган бой деган маъноларни англатган; пахта билан шуғулланувчи аҳоли турар жой яъни кўчага шундай ном берилган
Гўзал	Хотин-қизлар исми; жуда ҳам чиройли, хусндор, хушрўй маъноларини англатувчи сифат атоқли отга айланади; табиати, ички дунёси, хулқи, одоби билан бир қаторда ташқи кўриниши ҳам киши кўзини қувонтирадиган, кишии мафтун этадиган даражада чиройли бўлсин деб, шундай ном берилади

**“Инглиз тили ва маданиятининг Лонгмен луғати”даги баъзи атоқли
отларнинг лингвомаданий хусусиятларининг таҳлили**

Alice (Алиса)	Льюис Кэрроллнинг “Алиса мўжизалар мамлакатада” эртагининг бош қаҳрамони; аёллар исми; инглиз ва француз миллатига мансуб одамлар ўз қизларига қўядиган атоқли от
Alice’s adventures in wonderland (Алисанинг мўжизалар мамлакатадаги саргузаштлари)	Льюис Кэрролл қаламига мансуб болалар ҳикояси; сеҳрли диёрга тушиб қолган Алиса исмли қизнинг ажабтовур саргузаштлари ҳақидаги инглиз асари номи; одамлар баъзида одатий ёки қўйилган ҳолатнинг аксини назарда тутганда “Алиса мўжизалар мамлакатада” ибораси билан тарифлайдилар
April (Апрель)	Янгича йил ҳисобида тўртинчи ой, латин тилидаги aprilis<apricus сўзидан келиб чиқиб, “қуёш иситадиган” деган маънони англатади; доим бош ҳарф билан ёзилади
August (Август)	Янги ҳисобдаги календарь йилининг саккизинчи оyi, Рим императорининг номи, олий, муқаддас, улуғ деган маъноларга эга
Barbie (Барби)	Ёш жозибador аёл кўринишидаги машҳур кўғирчоқ тури; кийим-кечакни яхши кўрувчи мафтункор лекин бемаъни аёллар учун қўлланиладиган тариф
Beauty and the Beast (“Соҳибжамол ва махлуқ”)	Машҳур француз этраги номи; эртак номи бош қаҳрамон Belle исмли қиз ва у севиб қолган махлуқ кўринишидаги шахзода билан боғлиқ; француз тилида “belle”-чиройли, худди ўзбек тилидаги “гўзал” сўзининг атоқли от шаклидир; гўзал,

	чиройли, соҳибжамол каби сифатга эга аёлларга нисбатан қўлланилади
Cheshire cat (Чешир мушуги)	Льюис Керроллнинг “Алиса мўжизалар мамлакатада” эртагидаги мушук образидаги қаҳрамон; оғзидаги ҳамма тишини кўрсатиб тиржайиб кулувчи одамларни тасвирлаш учун ишлатилади; одамлар томонидан “Чешир мушуги каби тиржаймоқ” ибораси юзида катта ва аҳмоқона кулгига эга инсонларга нисбатан ишлатилади
Cinderella (Оппоғой)	Машҳур инглиз эртагининг бош қаҳрамони; эртак номи ҳам унинг номи билан аталган; ўғай онаси ва 2 ўғай опалари томонидан азобланган чиройли ёш қиз; етарлича ҳурмат ва эътиборга эришмаган, аслида ундан кўпроғига муносиб бўлганларни тасирлаш учун қўлланилади
Dear John Letter (Қадрдон Жонга мактуб)	Рафиқаси ёки севгилиси томонидан эркакларга уни бошқа севмаслиги ҳақида ёзиладиган хат
December (Декабрь)	Янги ҳисобдаги календарь йилининг ўн иккинчи ойи, инглиз тилида атоқли от ҳисобланиб, доим бош ҳарф билан ёзилади; лотин тилидаги “decem” – “ўн” сўзидан келиб чиққан
Einstein (Эйнштейн)	Буюк физик ва математик олим исми билан боғлиқ бўлиб, одамлар томонидан Эйнштейн каби ўта зукко инсонлар учун ишлатилади
February (Февраль)	28 ёки кабиса йилида 29 кундан иборат бўлган Грегорий календариди йилнинг иккинчи ойи номи
iPhone	Дунёга машҳур Apple компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган мобил алоқа аппарати номи; Apple компаниясининг асосчиси Стив Жобс ўз

	махсулотлари олдидан қўлланиладиган “i” харфини internet (интернет), individual (индивидуал, мустақил), instruct (кўрсатма бермоқ, йўл-йўрик кўрсатмоқ), inform (хабар, маълумот бермоқ) ва inspire (илҳомлантирмоқ, илҳом бағишламоқ) сўзлари билан боғлайди, яъни мустақил телефон, кўрсатма берувчи телефон, илҳомлантирувчи телефон маъноларига эга
January (Январь)	Замонавий Грегорий календариди йилнинг биринчи ойи номи; Рим худоси Янус – эшиклар худоси номи билан боғлиқ, бу ой йилнинг эшигидир яъни бошидир; Рим худоси Янус ҳамма нарсани бошлаган ва ўтмини ва келажакни кўра олиш қобилиятига эга бўлган
July (Июль)	Янгича йил ҳисобидаги еттинчи ой номи; милoddан аввалги 45-йилда Рим ҳукмдори Гай Юлий Цезар шарафига шундай ном олган
June (Июнь)	Янгича йил ҳисобидаги олтинчи ой номи; Қадимги Рим маъбудаси Юнона номи бўйича аталган
March (Март)	Янгича йил ҳисобида учинчи ой; лотин тилидаги martius<Mars – Рим мофологиясидаги уруш худоси номи
May (Май)	Янгича йил ҳисобида бешинчи ой номи; лотин тилидаг maius<юнон ва рим мифологиясидаги ёр маъбудаси Майя (Майеста) номи берилган
Mickey Mouse (Микки Маус)	Уолт Дисней томонидан яратилган, сичқон образига асосланган мультфилм қаҳрамони; у Диснейнинг барча қаҳрамонлари орасида энг машхури бўлиб, Дисней компаниясининг асосий тимсоли сифатида қўлланилади; кичкина ва муҳим

	эмас деган маъноларга эга; жиддий эътиборга муносиб бўлмаган айникса, тадбиркорлик фирмалари ва шу каби ташкилотлар ҳақида сўз борганда ишлатилади
Microsoft (Майкрософт)	«Microcomputer»-“кичик компьютер” ва “Software”-“дастурий таъминот” сўзларининг бирикмасидан келиб чиққан; компьютер дастурий таъминоти ишлаб чиқариш бўйича дунёнинг етакчи компанияси; 1975 йилда Билл Гейтс томонидан ташкил этилган
November (Ноябрь)	Григорий календариди йилнинг ўн биринчи ойи номи; Қадимги Рим календариди 9-ой; лотин тилидаги “november” – “тўққизинчи” сўздан келиб чиққан
October (Октябрь)	Қадимги Рим календариди йилнинг саккизинчи ойи; янгича календарь йили ҳисобида ўнинчи ойнинг номи; Лотин тилидаги “octo” – “саккиз” сўздан атоқли отга айланган
Peter Pan (Питер Пен)	Барри Жеймснинг “Питер Пэн” болалар ҳикоясидаги қаҳрамон; сеҳрли ўлкада яшовчи, уча оладиган лекин, ҳеч қачон улғаймайдиган ёш бола; гавдаси ёки муносабатлари йиллар ўтса ҳам ўзгармаётгандек туюладиган одамларни тарифлаш учун қўлланилади; шунингдек, жисмонан ривожланмаётган ёки қаримаётган одамларга нисбатан ишлатилади
Robin Hood (Робин Гуд)	Ўрта асрлар инглиз халқ балладасининг машҳур қаҳрамони; Марказий Англия ўрмонида қонунларга бўйсинмайдиган қочоқ сифатида яшаган; у бойларни ўғирлаш ва ўғирланган

	нарсаларни камбағалларга берувчи сифатида машхур; унинг номи бойлардан олинган пулни камбағал одамларга улашувчи ва уларга ёрдам берувчиларга нисбатан қўлланилади
Rolls Royce (Роллс Ройс)	Жуда қиммат нархдаги ва қулай автомобилларни ишлаб чиқарувчи Британия компанияси номи; муайян турдаги маҳсулотнинг ўта юқори сифатга эга нусхасини тасвирлаш учун ишлатилади
Romeo (Ромео)	Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” трагедиясининг бош қаҳрамони; ишқий йўл билан ўзи учратган барча аёлларни ўзига жалб қилишга уринган эркакларнинг хазиломус тарифи
September (Сентябрь)	Бугунги кунда қўлланилаётган замонавий Грегорий календариди йилнинг тўққизинчи ойи номи; ой номи ўзининг илк номини сақлаб қолган бўлиб, у лотин тилидан “septem”-“етти” сўзидан келиб чиққан; қадимги календар март ойидан бошланганлиги учун сентябрь еттинчи ой ҳисобланган; Швециялик Петра Линнея Паула Марклунд исмли қўшиқчининг таҳаллуси
The Big Apple (Катта олма)	1920-йилларда оммалашган Америка Қўшма Штатларидаги Нью Йорк шаҳрига берилган таҳаллус